

## ЎЗБЕКИСТОН



## ҲАФТА ИЧИДА

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Индонезия Республикаси парламенти Минтақалар вакиллари кенгаши раиси Ирман Гусман раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Нигматилла Йўлдошев билан учрашди. Мулоқот чоғида икки давлат ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Учрашувда томонлар парламентларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилди.

\* \* \*

● Пойтахтимизда VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бўлиб ўтди. Дастлабки натижаларига кўра, унда умумий қиймати 25 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 1200 дан зиёд шартнома имзоланди. Ярмаркада саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармакология, ахборот-коммуникация технологиялари, фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган қарийб 500 ишланма, инновацион ғоя ва лойиҳалар намойиш этилди.

\* \* \*

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан «Ёш авлоднинг маънавий олами ва уни юксалтиришда миллий эстрада санъатининг ўрни» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Композиторлар, шоирлар, муסיқашунослар, хонанда ва созандалар, ОАВ ходимлари иштирок этган мазкур анжуманда миллий эстрада санъатининг ёшлар тарбиясида тутган ўрни ва аҳамияти апрофлича муҳокама этилди. Анжуманда миллий эстрада соҳасида эришилган ютуқлар билан бирга мазмунан саёз, енгил-елпи кўшиқларга барҳам бериш ҳамон долзарб масала бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланди.

\* \* \*

● Самарқандда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, прокуратура ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 300 дан ортиқ корхона, ташкилот, муассаса 3 минг 800 бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркада тижорат банклари мутахассислари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга кредит олиш ва бошқа масалаларда зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Тадбир давомида 410 дан зиёд иштирокчи ўзига муносиб иш топди.

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

## Семинар-тренинг



## ВАТАНПАРВАРЛИККА МАЪНАВИЯТ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

**Бошқа соҳа вакилларига нисбатан ички ишлар идоралари ходимлари кўпроқ халқ ичида бўлади, хизмат тақозосига кўра аҳоли билан мунтазам мулоқот қилади. Бу, ўз навбатида, улардан нафақат зарур касбий маҳоратга эга бўлишни, балки маънавий етуқликни ҳам талаб этади. Негаки, ички ишлар ходими инсоний фазилатларини намойён этиш орқали ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиши ёки аксинча биргина салбий хатти-ҳаракати билан ўз шаънига доғ тушириши мумкин. Шунинг учун соҳа ходимларининг маънавияти юксак, касбий маданияти юқори бўлиши жуда муҳимдир.**

ИИБ Академиясида ташкил этилган «Ички ишлар органлари ходимларининг шахсий фазилатлари ва касбий малакаларини шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий-маъри-

фий ишларнинг ўрни» мавзусидаги семинар-тренингда шулар ҳақида сўз борди. Вазирлик марказий аппарати соҳавий хизматлари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва

Транспортдаги ИИБ ҳамда вазирлик олий таълим муассасаларининг ШТБХ тарбиявий ишлар бўйича масъул ходимлари қатнашган тадбирда ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари, полковник Алишер Усмонов ва Ўзбекистон Миллий университети доценти, таниқли журналист Аҳмаджон Мелибоев мавзу юзасидан маъруза қилди. Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавиятини юксалтириш, уларнинг касбий-ахлоқий нормаларга оғишмай риоя қилишини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифа эканлигини таъкидлашди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Давра суҳбати


## СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОКИДА

Мамлакатимиз кун сайин ривожланиб, аҳолининг турмуши фаровонлашиб бормоқда. Бу йўлларда ҳаракатланаётган автомобилларнинг кўплигида ҳам намойён бўляпти. Одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган автомобилларнинг кўплиги яхши, албатта. Бирок йўллардаги тирбандлик, баъзан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши каби ҳолатлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда мураккаблик туғдирмоқда. Шу боис ҳам йўл-патруль хизматини малакали ходимлар билан бойитиш, уларнинг соҳага оид билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар марказида бўлиб ўтган давра суҳбатида бу борада апрофлича сўз юритилди. Унда республика ИИБ ЙХББ Матбуот бўлини маси катта инспектори, подполковник М. Рихсиев, ЙПХ катта инспектори, майор Р. Мадраимов, марказ раҳбарияти, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўналиши бўйича малака ошираёт-

ган сержантлар таркиби ҳамда бошланғич тайёргарликдан ўтаётган сафдор ходимлар иштирок этди.

Марказ бошлиғи, полковник И. Самандаров тадбирни очиб,



бугунги кунда барча соҳалар ривожидан транспорт воситаларининг беқиёс аҳамиятига эгаллигини таъкидлади. Шу билан бирга, уларнинг ҳаракатини тартибга солиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган чоратadbирлар хусусида ҳам айтиб ўтди.

Шундан сўнг подполковник М. Рихсиев республика ИИБ ЙХББ фаолияти ва тарихи ҳақида йиғилганларга маълумот бериб ўтди. Давра суҳбати давомида йўл-транспорт

ҳодисаларининг олдини олишда тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти ва бошқа масалаларга оид видеоларлар тақдим этилди.

Тадбирда курсантлар Б. Ҳакимов ва А. Юсуповнинг тирбандлик ҳосил бўлганда ёки бошқа зарур ҳолларда ҳара-

катни ёрдамчи ишоралар воситасида тартибга солиш бўйича кўргазмалар чиқиши намойиш этилди. Шунингдек, мавзу юзасидан бошқа тингловчи ва курсантларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари тингланди.

Давра суҳбати якунида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

**Зафар МИТАНОВ, капитан. Ш. ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

## ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

**Келажакимиз ворислари, миллатимизнинг эртанги таянчи бўлган ёшларнинг жисмонан соғлом ва маънан баркамол, дунёқараш теран инсонлар бўлиб вояга етишлари учун юртимизнинг барча ҳудудларида доимий равишда турли тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкиллаштирилади. Бундай бевосита мулоқотларда ёшларнинг фаоллиги алоҳида эътиборга олинади. Зеро, келажакимиз эгаларини тўғри тарбиялаш барчамизнинг вазифамиздир.**

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Тошкент молия ва иқтисодий коллежида республика ИИБ ҲОБББ томонидан ўтказилди. Унда ИИБ ҲОБББ матбуот котиби, подполковник У. Туймабоев, катта инспектор, майор Р. Пиримқулов, пойтахтимизнинг Сергели тумани ИИБ ҲОБББ ВЕЎН ва ҲПГ инспектори, капитан Б. Эшмирзаев, коллеж директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари У. Мадаминов ҳамда «Янги ҳаёт» маҳал-

ла фуқаролар йиғини раиси М. Холбобоева иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аввало, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга эътибор қаратиш лозимлигини қайд этишди. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, спорт ҳамда касб-хунар сирларини ўрганишларига шарт-шароит яратиш муҳим масала эканлиги ҳам таъкидланди. Коллеж ҳамда лицей

ўқувчилари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик, жиноятларга ҳаётий мисоллар келтирилди. Уларнинг ноқонуний диний оқимларга аъзо бўлиши, гийёвандлик моддаларини истеъмол қилиши ҳолатлари устида тўхталдилар.

– Ўтиш ёшида бўлган болаларнинг вақтини қандай ўтказиши назорат остига олиниши улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг камайишига асосий омил бўлиб хизмат қилади, – дейди ИИБ ҲОБББ инспектори лейтенант Д. Файзуллаева. – Қолаверса, улар билан дўстона мулоқотга киришиш, муаммолари билан қизиқиш ҳам ўз самарасини беради.

Тадбир коллеж ўқувчилари ва ташкилотчиларнинг ўзаро савол-жавобларига бой, самимий руҳда ўтди. Тарбиявий мавзудаги фильм намойиши эса ўқувчиларда ижобий таассурот қолдирди.

**Гулинигор АБАЗОВА, Тошкент шаҳри.**

**Ҳар қандай давлатда қонун устуворлиги биринчи навбатда қонунлар ижроси тўлиқ таъминланиши, қолаверса, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онги юксаклиги билан белгиланади. Бунинг учун аҳолига ҳар бир қонун мазмун-моҳиятини содда ва тушунарли ҳолда етказиш талаб этилади.**

## ҚОНУН МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги 14-сонли муסיқа ва санъат мактаби, Янгийўл туманидаги 21-сонли ҳамда пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 297-сонли мактабларда давра суҳбатлари ташкил этилди. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, содда қилиб аниқлаш мақсадида ўтказилган тадбирда ички ишлар идоралари ходимлари, жамоатчилик вакиллари, ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирларда ҳуқуқбузарлик содир этиш қандай салбий оқибатларга олиб келиши, уларга аралашиб қолмаслик учун нималар қилиш лозимлиги юзасидан тушунтиришлар берилди.

**Улуғбек ТУЙМАБОВ, подполковник.**

## КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур. Бунинг учун ёшларнинг нафақат жисми, балки руҳияти ҳам соғлом бўлмоғи лозим. Шу боис Тошкент вилояти ИИБ ходимлари кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш мақсадида таълим муассасаларида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицейда бўлиб ўтди. Вилоят ИИБ ходимлари, лицей ўқитувчилари, ўқувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда ёш авлоднинг илм олиши, ҳунар эгаллаши, камол топиши учун барча шароитлар яратилгани таъкидланди. Галдаги вазифа уларни ҳар хил бузғунчи оқимлар таъсирига тушиб қолишдан ҳимоялаш, диний экстремизм, терроризм, миссионерлик ҳолатларининг салбий оқибатлари ва уларнинг моҳиятидан огоҳ этишдан иборатдир.

Тадбирда шулар ҳақида сўз борди. Айниқса, вилоят ИИБ ИХҚК ва ЮТБ бошлиғи, майор Б. Тожиёвнинг «Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда маънавиятнинг аҳамияти» мавзусини интерфаол усулда баён этиши ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Зангиота туманидаги «Айри ота» масжиди имом-хатиби Ж. Чориев ҳамда Тошкент шаҳридаги «Шайх Зиёвуддинхон» масжиди имом-хатиби Э. Эсонов ҳам сўзга чиқиб, ислом динининг жамиятимизда тутган ўрни, терроризм ва диний экстремизмнинг аянчли оқибатларини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб беришди.

**Гулшан ИНОҒОМОВА, катта лейтенант.**

**Хушхабар**

**ФАХРИЙЛАРГА  
ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК**

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан нафақадорларга ҳар томонлама қулай бўлиш мақсадида молия-иқтисод бўлимига қарашли пенсия таъминоти бўлинмаси учун шаҳар ИИБ биносидаги замонавий таъмирланган иншоот фойдаланишга топширилди. Бу билан фахрийларга катта қулайлик ва шарт-шароитлар яратилди. Айниқса, мазкур иншоот шаҳар марказида жойлашгани, қолаверса, бинода кексалар учун барча шароитлар яратилгани билан диққатга сазовордир.

Қисқаси, бинога ташриф буюрган фахрийлар нафақат пенсия пулларини ва ўзларига керакли ҳужжатларини олишди, балки бир фурсат бўлса-да, маданий ҳордиқ чиқаришлари ҳам мумкин.

**М. ГАНИЕВ.**  
*Бухоро вилояти.*



**Ички ишлар идораларида кечаётган ислохотлар туфайли йилдан йилга кўпайиб янгиликлар жорий этилмоқда, ходимларнинг самарали хизмат қилиши учун қулай шароитлар яратилмоқда. Жумладан, жамоат ва давлат, фуқаролар мол-мулки дахлсизлигини таъминлаб келаётган қўриқлаш хизматида ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилиб, соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.**

шинам хизмат хоналари, ошхона ва бошқа қўшимча қулайликларга эга бино мевали ва манзарали дарахтларга бой ҳовлиси билан ҳам киши эътиборини ўзига тортади.

– Бундай баҳаво ва шином, барча талабларга жавоб берадиган бинода хизмат қилишимиз учун шарт-шароит яратиб берган вилоят ИИБ хузуридаги қўриқлаш бошқармаси раҳбариятидан миннатдоримиз, –

**ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС**

Қашқадарё вилояти Китоб тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари қайта таъмирланган бинога кўчиб ўтди. Кенг,

дейди туман ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, катта лейтенант Д. Очилов. – Бу ғамхўрликка жавобан ходимларимиз жисмоний ва юридик шахслар, давлат ҳамда жамоат мулки дахлсизлигини самарали таъминлаш билан бирга, туман ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам ҳамкасбларига камарбаста бўладилар.

Янги бионинг очилиш маросимида вилоят ИИБ раҳбарияти, туман ҳокимлиги ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этди.

**Зафар ИБРАГИМОВ,**  
**капитан.**

*Қашқадарё вилояти.*

**Тадбир**

**МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗГА ЭЪТИБОР**

**Ички ишлар идоралари ходимларининг тафаккурини юксалтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида республика ИИБ Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**

Яқинда мактаб жамоаси Ўзбекистон давлат санъат музейига ташриф буюрди. Музей мажлислар залида меҳмонлар учун анжуман ташкил этилди. «Музейлар — жонли тарихимиз кўзгуси» мавзусида бўлиб ўтган мазкур тадбирда сўзга чиққан музей директори В. Файзиёева, Ўзбек халқ амалий санъати бўлими мудири О. Тангиоров, ИИБ ЁХОТМ профессори, полковник Р. Реимбаев ва бошқалар музейларнинг миллий қадриятларини ва аъналаримизни келажак авлодга етказишдаги аҳамияти, тарихимизни чуқурроқ ўрганишдаги ўрни ҳақида атрафлича сўз юритди.

Музейга ташриф ходимларда катта таассурот қолдирди.

**Нодир МАХМУДОВ,**  
**лейтенант.**

\*\*\*

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти миллий қадриятларимизни тиклаш, ўтганлар хотирасини абадийлаштириш, ёш ходимларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий меросимизга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш, фахрийларимизнинг бой ҳаётий тажрибаларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда.

Яқинда вилоят ИИБ тергов ҳибсхонасининг бир гуруҳ ёш ходимлари бошқарманинг «Меҳнат ва жанговар шухрат» музейига ташриф буюришди. Улар бу ерда тарихий ҳужжатлар, экспонатлар, турли даврларга хос бўлган хизмат қуроллари, алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларнинг ҳаёти ва жанговар фаолияти билан яқиндан танишишди. Айниқса, ички ишлар идоралари ходимларининг истиқлол йилларидаги фаолиятини акс эттирувчи турли стенд ва экспонатлар ёш ходимларда катта қизиқиш уйғотди.

– Бу каби тадбирлар ёш ходимлар қалбида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди, – дейди вилоят ИИБ тергов ҳибсхонаси бошлиғининг ўринбосари, капитан Умид Бекчонов. — Шу боис, ёш ходимларимизни ўтмиш билан ҳозирги давр ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ўтовчи тарихий музейларга олиб боришни белгиланган режа асосида амалга ошираёلمиз.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**

*Хоразм вилояти.*



**Суратда:** вилоят ИИБ «Меҳнат ва жанговар шухрат» музейи директори, истеъфодаги подполковник Матрасул Матёкубов ҳамда фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Қосим Олламов ёш ходимларни Хоразм милицияси тарихи билан таништирмоқда.

**Саъдулла АБДУЛЛАЕВ** олган сурат.

**Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалик шаҳар марказида «Биз бир оила фарзандларимиз» шиори остида ўтган тадбир нафақат курсант ҳамда тингловчилар, балки Тошкент вилоятининг Бўка туманида жойлашган 15-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ҳам узок вақт ёдида сақланиб қоладиган бўлди.**

**ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИНГ МАРКАЗГА ТАШРИФИ**



Тадбир аввалида мазкур тарбия масканининг бир гуруҳ ёшлари ҳуқуқматимиз ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан осойишталик посбонларининг жисмоний, жанговар ва касбий маҳоратларини ошириш учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

– Келажакда Ватанимизнинг тинчлик-осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшимиз ва касб танлашимизда бундай учрашувлар, бу ерда олган таассуротларимиз жуда катта ёрдам беришига ишонаман, – дейди 15-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Зуҳраҳон Давлатова. – Бу ердаги акаларимизнинг шижоати, спортда чиниққани барчамизни лол қолдирди. Мен ҳам ички ишлар идораси ходими бўлишни мақсад қилдим.

Курсант ва тингловчилар иштирокида ўтган учрашувда юртимизнинг истиқболи янада порлоқ бўлишида баркамол авлоднинг тутган ўрни, уларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етиши йўлида Юртбошимиз ва Ҳуқуқматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар алоҳида фахр билан тилга олинди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан ташкил топган «Ниҳол» рақс гулдастаси аъзолари томонидан ташкил этилган концерт барчага хушқайфият бағишлади. Тадбир сўнггида тарбияланувчиларга эсдалик совғалари улашилди.

**Ў. ОТАЕВ,**  
**майор.**  
**А. ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
**журналист.**  
**Ш. ҚАХҲОРОВ** олган сурат.

**ЮТУҒИМИЗ АҲИЛЛИКДА**

*(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).*

Тумандаги «Малик» маҳалла фуқаролар йиғини – Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида ташкил этилган. Ҳозирда бу ерда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 188 та уйда 2300 га яқин аҳоли тинч-тотув яшамоқда. Маҳалла ҳудудида аҳолининг фаровон яшаши учун барча қулайликлар мавжуд. Масалан, бу ердаги нон цехида аҳоли дастурхони учун етти турдаги нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. «Микрокредитбанк»нинг Навоий филиали шохбчаси кўрсатаётган турли банк хизматларидан ҳамма мамнун. Бундан ташқари, спорт ва дам олиш майдончалари, мини-маркет, дорихона, гўзаллик салони аҳоли хизматида.

– Мазкур маҳаллада бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келаман, – дейди ҳудудга хизмат қилувчи 52-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Отабек Саидов. — Маҳалла аҳоли оила аъзоларимдек бўлиб кетган. Аҳил-иноқ яшаётганимиз, юзага келаётган ҳар бир муаммони маҳалла фуқаролар йиғини раиси Файрат Бахронов ва фаоллар билан ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда ўз вақтида ҳал этаётганимиз туфайли ҳудудимиз тинч ва обод гўшага айланган. Шунинг учун бўлса керак, 2011 йил «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдик. Ўтган даврда ҳудудимизда жиноятчилик умуман содир этилмагани ҳам катта ютуғимиздир.

**Абу КЕНЖАЕВ.**  
*Навоий вилояти.*

**ДУНЁДАН**



**ДАРАКЛАР**

**ЖОНИВОРЛАР  
ХАВФ ОСТИДА**

Калифорниянинг хушманзара пляжлари экологияси хавф остида қолди. Санта-Барбара шаҳри яқинидан ўтувчи нефть қувури ёрилиб кетиши оқибатида бир неча соат мобайнида океанга нефть оқиб тушган. Сув юзасини 14 км узунликда нефть қоплаган. Сувни ундан тозалашга тўққизтагема жалб этилган. Ҳозиргача 120 баррелдан ортиқроқ нефтни йиғиб олишга муваффақ бўлишди. Экологлар сувда яшовчи сут эмизувчиларни ва денгиз қушларини қутқариш чораларини кўришмоқда.

**ТЎДАБОШИ  
ҚЎЛГА ОЛИНДИ**

Франсиско Ресильяс Мексикада қидирилаётган энг хавfli жиноятчилардан бири эди. У яқинда Акапулько номли курорт шаҳарда ҳарбий патруль томонидан қўлга олинди. Мамлакатнинг Герреро штатида бир қанча жиний гуруҳларга бошчилик қилган ушбу шахс дастлаб ҳарбийларга қуролли қаршилик кўрсатди. Отишма чоғида яраланган, шифохонага ётқизилди. Уни бир неча қотилликларни амалга оширишда айбланмоқда. Тўдабошини қўлга олишга ёрдам берган маълумотни етказган шахсга салкам 33 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот ваъда қилинган.

**ШАХСИ  
АНИҚЛАНМОҚДА**

Маълумотларга қараганда, Колумбиянинг Антиония департаментинида ер кўчиши туфайли ҳаётдан кўз юмганлар сони 70 нафарга етди. Ҳозирча улардан 20 нафарининг шахси аниқланди. Ушбу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда. Ер кўчишига шаррос ёққан ёмғир сабаб бўлди. Фалокат шунчалик тез юз бердики, кўпчилик уйдан чиқиб қочиб ҳам улгурмади. Қирқдан ортиқ киши жароҳатланган.

**ТАФТИШДАН СЎНГ  
МАЪЛУМ БЎЛДИ**

Бостон жамоат кутубхонаси ўзининг китоб фонди бойлиги бўйича АҚШда учинчи ўринда туради. Яқинда мазкур зиё масканидан иккита қимматли гравюра ўйма суратнинг сирли равишда ғойиб бўлгани аниқланди. Уларнинг бири Рембрандтнинг автопортрети, иккинчиси эса Альбрехт Дюрер ижодига мансуб «Одамато ва Мохова» асари эди. Уларнинг умумий қиймати 600 минг АҚШ долларига баҳоланмоқда. Қимматбаҳо санъат асарларининг йўқолгани режали тафтишдан сўнг маълум бўлган.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

# ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда).

Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, терроризм, диний экстремизм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишда Ўзбекистон муҳим ўрин тутаётгани алоҳида таъкидланди. Евроосиё гуруҳи мажлисининг Тошкентда ўтказилаётгани муҳим воқеа бўлиб, бу мамлакатимизнинг глобал таҳдидларга қарши курашишда фаол иштирок этаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Мажлисида истиқлол йилларида Ўзбекистонда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий тизимни такомиллаштиришга доир салмоқли ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

2004 йилнинг августида Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. 2009 йилда ушбу қонунчилик ҳужжати халқаро стандартлар ҳисобга олинган ҳолда янги тахрирда қабул қилинган. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноят-

ларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги яна бир муҳим ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ушбу соҳани тартибга соладиган махсус давлат ваколатли органи ҳисобланади. Унинг таркибида молиявий таҳлил, тезкор-қидирув фаолияти ва тергов бўлимлари иш юритмоқда. Бу эса бир идора доирасида шубҳали молиявий операциялар ҳақида маълумот олиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ва жиноий иш қўзғатиш имконини бермоқда.

Евроосиё гуруҳининг ялпи мажлисида мазкур департамент бу борада фаол ишларни олиб бораётгани қайд этилди. 2011 йилда имзоланган Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги шартномани амалга оширишда мамлакатимизнинг ваколатли органи ҳисобланган ушбу департамент ҳамкор ташкилотлар билан ахборот алмашишни сезиларли даражада фаоллаштирди. Масалан, 2011–2014 йилларда идора то-

монидан хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва молиявий разведка бўлимларининг 128 сўрови кўриб чиқилди. Шу даврда чет давлатларнинг ваколатли органларига ўттиздан зиёд шундай сўров юборилди. Умуман олганда, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ўттиздан ортиқ давлатнинг бу йўналишда фаолият юритаётган органлари билан ҳамкорлик қилиб келаётир.

– Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бугунги кунда жаҳон миқёсидаги долзарб муаммо бўлиб, глобал ечимлар ва халқаро ҳамкорликни талаб этмоқда, – деди молиявий хавфсизлик масалалари бўйича халқаро стратегик маслаҳатчи Жузеппе Ломбардо (Италия). – Ўзбекистон ушбу ишларда фаол иштирок этиб, Пул маблағларини ўзлаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия институтлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, етакчи халқаро ташкилот-

лар мамлакатимизнинг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тизими самарадорлигини эътироф этмоқда. Базель бошқарув институтидек нуфузли ташкилот Ўзбекистонни Италия, Испания, Канада, Жанубий Корея ва АҚШ каби мамлакатлар қаторида ноқонуний пул ўзлаш-

ташқил этилган компанияларни назарда тутувчи «назорат қилинадиган хорижий компаниялар» тушунчаси киритилган. Бундай компанияларда иштирок этадиган солиқ тўловчилар солиқ органларига тегишли ахборот тақдим этиши шарт. Бунинг самарасида оффшор зоналарда даромадни ўзлаштириш, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш йўлига яна бир ишончли тўсиқ қўйилади.

Пул маблағларини ўзлаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ томонидан 2012 йилнинг февраль ойида янги тавсиялар қабул қилиниши идоралараро ҳамкорликни мувофиқлаштириш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда мазкур тавсияларни ўрганиш ва татбиқ этиш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Унинг фаолияти янги халқаро норма ва талабларни амалиётга босқичма-босқич имплементация қилишга қаратилган.

Евроосиё гуруҳи ялпи мажлисида ушбу гуруҳ фаолияти самарадорлигини

янада ошириш, минтақа давлатлари ва тегишли халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилот таркибига янги аъзоларни қабул қилиш масалалари кўриб чиқилди. Пул маблағларини ўзлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий тизимларни такомиллаштириш мақсадида илғор халқаро ва миллий тажриба ўрганиб чиқилди. Ташкилот гуруҳлари томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

– Ялпи мажлис юксак савияда ташкил этилгани ва самарали ўтаётганини таъкидламоқчиман, – деди Франция Ташқи ишлар вазирлиги вакили Сара Шерион. – Ҳам минтақавий, ҳам жаҳон миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган ушбу тадбир Евроосиё гуруҳи аъзолари ва кузатувчиларига бу борада тажриба алмашиш бўйича катта имконият бермоқда.

Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг 22-ялпи мажлиси очкичлик ва ўзаро ишонч, долзарб масалалар юзасидан амалий фикр алмашиш руҳида ўтмоқда.

Сардор ТОЖИЕВ,  
ЎЗА мухбири.

**Базель бошқарув институтидек нуфузли ташкилот Ўзбекистонни Италия, Испания, Канада, Жанубий Корея ва АҚШ каби мамлакатлар қаторида ноқонуний пул ўзлаштириш хавфи энг кам давлатлар гуруҳига киритган.**

тириш хавфи энг кам давлатлар гуруҳига киритган.

Мамлакатимизда бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Айни пайтда «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳага кўра Солиқ кодексига Ўзбекистон резидентлари томонидан оффшор зоналарда

## ҲОСИЛНИНГ ЧЎҒИ БАЛАНД

Табиат инжиқликларига қарамай Андижон вилоятининг Улуғнор тумани деҳқонлари ғалладан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлишди. Бунга экинларни ўз вақтида сугориб, етарлича маҳаллий ва минерал ўғит бериб, агротехник тадбирларни сифатли ўтказганликлари туфайли эришишди. Туманда 5400 гектар майдонга қаҳрабон уруғи қадалган. Фермерлар 15 минг тоннадан ортиқроқ сара бугдой олишни мўлжаллаб туришибди.

Жами 15 та комбайн, 75 та автомашина ўрим-йиғим мавсумига шай қилиб қўйилган. Ўтган йилгига ўхшаб бу йил ҳам 15 та отряд ташкил этилган. Ҳар бир отряд таркибига комбайн ҳайдовчисидан ташқари механик, тиббиёт, ёнғин хавфсизлиги хизмати хо-

димлари, ошпаз киритилган.

Шу кунларда машина-трактор паркида иш қизғин. Махсус комиссия аъзолари ҳар бир агрегатнинг созилигини, техникалар бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланганлигини яна бир қур текширишмоқда. Аниқ-

ланган камчиликлар жойида бартараф этилапти. Барча комбайн ҳайдовчилари қисқа муддатли курсларда таҳсил олишди. Улар бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни пухта эгаллашган.

– Комбайнлар ва автотранспорт воситаларидан ташқари ғалла қабул қилиш пунктлари ҳам текширувдан ўтказилмоқда, – дейди Улуғнор тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, майор Элмурод Ҳайдаров.

Ғалла ўрим-йиғими бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Техника ва механизаторлар мавсумга шай. Деҳқонларимизнинг заҳматли меҳнати эвазига, пешона тери, қалб кўри билан етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олинишига шубҳа йўқ.

**Борис КЛЕЙМАН.**  
Андижон вилояти.

Суратда: Улуғнор тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант Абдусалом Аҳмедов ғалла қабул қилиш пункти мудири Олимжон Мўминов ва кўнгилли ёнғин ўчирувчилар гуруҳи аъзоси Шокиржон Абдуллаев билан ёнғин ўчириш бирламчи воситаларини кўздан кечиришмоқда.

Муаллиф олган сурат.



**Навий вилоятида бу йил 43 минг 400 гектар майдонда ғалла етиштирилди. Айни пайтда олтин рангда товланаётган бугдойзорлар кўзни яшнатади. Ҳосил чўғи баланд. Давлат омборларига 89 минг 900 тонна сифатли дон топширишни режалаштирган деҳқонларнинг юмушлари эса янада ортган.**

## МАВСУМ БЕТАЛАФОТ ЎТАДИ

– Ғалвирни сувдан кўтарадиган паллада ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган, – дейди вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник З. Нормуродов. – Мавсумни беталафот ўтказиш, ёнғинга йўл қўймаслик, ғалланинг нобудгарчиликсиз ўриб-йиғиб олинишини таъминлаш борасида аниқ режа-тадбирлар белгилаб олинган. Мавсум олтидан ўрим-йиғим ишларига жалб этилган комбайнлар ва автотранспорт воситаларининг техник созилиги, бирламчи ёнғин ўчиргичларнинг бенуқсон ишлаши кўздан кечирилиб, аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишига эришилди.

Шу кунларда соҳа ходимлари дон қабул қилиш масканлари ва ғалла ўрилайётган май-

донларда бўлиб ишчи-хизматчилар, ҳайдовчилар билан суҳбатлар уюштирмоқда. Ушбу жараёнда ризқ-рўзимиз бўлган донни қисқа фурсатларда нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш хирмоннинг баракали бўлишини таъминлаш, бу эса тўкинлик, фаровонлик манбаи эканлиги батафсил тушунтирилмоқда.

Шунингдек, етти марта ёнғин ўчириш амалий-тактик машғулотлари ўтказилиб, мавсум давомида ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилиш нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлиги, фавқулодда ёнғин рўй берган тақдирда талафотларга йўл қўймасдан офатни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

**Дилафрўз ТУРСУНОВА,**  
сафдор.

Навий вилояти.



## Юксак мукофот соҳиблари

## СЕРЖАНТНИНГ ЖАСОРАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Лекин ҳамкасбларининг бу жавоби Хайруллани қаноатлантирмади.

— Мен яхшиман, шу ерга қўйиб, тезроқ бориб уларни кутқаринглар, ахир...

Ўзининг оёқлари, кўкрак соҳаси куйиб, оғир тан жароҳати олган бўлса-да, у шогирдларини ўйларди. Танасининг зирқираб оғриётгани, азоб бераётганини ҳам сезмасди, гўё.

Хайруллани хавфсиз жойга олиб чиққан ёнғин ўчирувчилар бир уюм чўғ бўлиб ёнаётган чикиндилар остида қолган ҳамкасбларини кутқаришга шошилишди. Шукурки, бироз орқароқда турган Лутфулла Усмонов хавфни эртароқ пайқаб, ўзини четга олган экан. Афсуски, Баҳром Эргашев «тилсиз ёв» чангалдан қочишга улгура олмаб-

ди. Уни оғир аҳволда чиқариб олишиб, шифохонага юборишди.

— Лутфулла билан Баҳром омонми? Уларни кутқардингларми?

Ёнига қайтиб келган ҳамкасбларига Хайрулла Зоитовнинг берган саволи шу бўлди. Олов ичидан оғир аҳволда олиб чиқилган Хайрулла Зоитов дастлаб оғриқни сезмайди, бироздан кейин эса симиллаб ёққан ёмғир таъсирдан азобга чиқолмай хушидан кетади. Уни тезда шифохонага олиб боришди. Шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида зарур чораларни кўришди. Жонлантириш бўлимида гоҳ ўзига келиб, гоҳ хушидан кетиб ётган маҳали ҳам Хайрулла яна шогирдлари тақдирини ўйлади:

— Лутфулла... Баҳром... Тирикми улар?

Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади: Хайрулланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Мана, ўша кундан кейин етти ойдан ошиқ вақт ўтди. Афсуски, сафдор Баҳром Эргашевнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони бўлмади. Сержант Хайрулла Зоитов ҳам беш ой давомида шифохоналарда даволашиб, ниҳоят оёққа турди. Бугун у кўп йиллардан буён фаолият кўрсатаётган ҳарбий-лаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмида бир оиладек бўлиб қолган кадрдон ҳамкасблари билан ёнма-ён хизмат қилаётган бўлса-да, кўнглининг туб-тубида бир армон, бир оғриқ дам-бадам юрагини эзади. Ўша машъум кунда худди укасидек бўлиб қолган шогирди Баҳромдан айрилди. Уни кутқариб қола олмагани, хавфдан огоҳ этолмагани учун баъзида ўзини

айбдордек ҳис қилади.

Жорий йил – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ички ишлар идораларининг бир гуруҳ ходимлари ҳам давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Ўша дамда Хайрулла ҳали тўлиқ оёққа туролмас, уйда даволанаётган эди. Кутилмаганда унинг хонадонига Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти кириб келади. Уларнинг ташрифи сабаби фурсат ўтмай маълум бўлди. Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев Хайрулла Зоитовни кучиб, унга давлатимизнинг юксак мукофоти — «Жасорат» медалини топширди.

Ўз ҳаётини таҳликага қўйиб, хавфга тик боққан, кўплаб ин-



сонларни олов домидан кутқарган, мислсиз жасорат кўрсатган йигитга берилган баҳо, унинг фидо-корона хизматлари эътирофи эди, бу.

— Бу мукофот нафақат менга, балки бутун жамоага берилган деб ўйлайман. Шундай касбда фаолият кўрсатаётганимдан, одамларга нафим тегаётганидан жуда фахрланаман. Бундан кейин ҳам ёрдамга муҳтожларга кўмаклашишдан, уларни олов исканжасидан кутқаришдан қайтмайман. Бу менинг бурчим, инсонийлик вазифамдир.

Кўп йиллардан буён шу соҳада фаолият кўрсатаётган сержант Хайрулла Зоитов бугун ўз хизмат жойида. Шогирдлари билан ҳар қандай ёнғин хавфини бартараф этишга шай ҳолатда хизматни ўтамоқда. Шундай жасур ва фидойи ходимлар бор бўлсин!

Фозил МАМАШАРИПОВ.

## Мавсум олдидан

## ЁЗГИ ТАЪТИЛ КЎНГИЛЛИ ЎТСИН

**Мактабларда ўқув йили ҳам якунланиб бормоқда. Хушҳаво табиат кўйидаги болалар оромгоҳлари ўқувчиларга мунтазир. Ҳадемай дам олиш масканларини болажонларнинг шодон қийқириғи ўйин-кулгуси тутди.**



Мамлакатимиздаги болалар оромгоҳларида ўғил-қизларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариши учун қулай шароит яратиш билан бирга, бу масканларда рўй бериши мумкин бўлган кўнгилисиз ҳодисаларнинг олдини олиш, шу жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Мавсумга тайёргарлик чоғида Давлат ёнғин назорати идоралари ходимлари томонидан оромгоҳларда ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, бажарилиши назоратга олинди. Жумладан, тадбиркорлик субъектларига тегишли барча оромгоҳларда ёнғин-профилактика кўриклари ва давлат тасарруфидагиларида эса текширишлар ўтказилди. Бу жараёнда аниқланган камчилик ва нуқсонлар бўйича ўрнатилган тартибда ҳуқуқий чоралар кўрилди ҳамда уларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан тақлифлар киритилиб, ўз вақтида бажарилиши назоратга олинди. Қолаверса, текшириш ва кўриклар давомида муассаса

раҳбарлари, мутасадди ходимлар ўртасида тарғибот тадбирлари ҳам ташкил этилди.

Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, тарбиячи ва болалар билан доимий тушунтириш ишларини олиб бориш, суҳбатлар уюштириш, викториналар ташкил этиш, ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналарини тузиш, улар ўртасида мусобақалар ўтказиш каби ишларни олиб бориш мақсадида ҳар бир оромгоҳга ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилди.

**Шу ўринда ёзги таътилни хатарсиз ўтказиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш борасида ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси кўйидагиларни эслатиб ўтди:**

► бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, ер ости сув олгичлар (гидрантлар), ички ёнғин ўчириш жўмраклари, мотопомпалар, электронасослар доимо соз ҳолда бўлиши ҳамда уларга, канал ва бошқа сув манбала-

рига, пирсларга олиб борувчи йўл ва йўлаклар тўсилмасдан сақланиши керак;

► бинолар орасидаги ёнғинга қарши оралиқ масофаларда ўтин, кўмир ва бошқа ёнувчан материаллар сақланмаслиги лозим;

► оромгоҳлар ҳудуди ва тўсиқлар ташқариси бўйича уч метр кенликда қуруқ ўтлардан (хашаклар) тозаланган бўлиши шарт;

► оромгоҳлар ҳудудида шахсий автомобиллар учун сақлаш жойи ташкил этилмаслиги, муассасага тааллуқли хўжалик ишларида фойдаланиладиган автотранспорт воситалари хизмат-маиший зонадаги гаражларда сақланиши керак;

► кўп қаватли биноларда кичик ёшли болалар биринчи қаватларга жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ;

► оромгоҳларда гулханны ёқиш махсус тайёрланган ва бинолардан 100 метр узоқликда жойлашган майдонларда рухсат этилиши мумкин. Шамолли об-ҳаво шароитида гулхан ёқиш тақиқланади;

► ўрмон, тоғларда байрам гулханни ёқиш учун жойлар ўрмон хўжа-

лиги билан келишилиши шарт. Гулхан атрофи 1,4 м кенликда чопилиши ва 25 м радиусда қуруқ ўт (хашак)лардан тозаланиши лозим. Дарахтзорлар яқинида гулхан ёқиш мумкин эмас. Байрам тугаганидан сўнг гулханны ўчириш ва тупроқ билан кўмиб ташлаш керак;

► оромгоҳда телефон алоқа воситаси, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тезлик билан болалар ва маъмуриятни огоҳлантириш учун радиотармоқ бўлиши шарт;

► мавсумга жалб этилган тарбиячи ва ишчи-хизматчилар ёнғин чиққанда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланишни мукамал билишлари лозим;

► оромгоҳ, раҳбарияти ва тарбиячилар болаларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан бохабар бўлиб, уларга ёнғинни келтириб чиқарувчи турли ўйинлар ва гугурт ўйнамасликлари тушунтирилиши керак.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш билан келажагимиз ворисларининг оромгоҳларда мириқиб дам олиб, уйларига, ота-оналари бағрига соғ-саломат қайтишларини, уларнинг хавфсизлигини тўлиқ таъминлаган бўламиз.

Жалолиддин ҲАКИМОВ,  
ИИБ ЁХББ катта муҳандиси,  
майор.



**«Нафсим менинг балодир, ҳар кўйларга соладир» деган нақл бежиз айтилмаган. Нафсининг қулига айланган киши борки, ҳаётда ҳеч қачон ҳурмат-этибор қозонмаган.**

Наманган вилояти Чуст туманидаги «Машҳад» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи М. Р. исмли шахс заводда ҳисобчи вазифасида ишлаб кам бўлмаётганди. Лекин у нафсининг қулига айланиб, бориға қаноат қилмай кўйди. Ўзи ишлаётган заводдан 11 килограмдан зиёд симоб моддасини ўғринча олиб чиқиб, яшириб кўйди. Бир неча кундан кейин кўшни давлат фуқаросига 3 минг АҚШ долларига сотаётганида вилоят ИИБ тоғли ҳудудлардаги жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди. Унинг уйи гувоҳлар

иштирокида текшириб кўрилганида бир неча грамм кумуш моддаси топилди.

Зарафшон маҳалласида истиқомат қилувчи А. Ш. ҳам ўз нафсини қондириш йўлида ҳар қандай қинғир ишдан қайтмайдиғанлар хилидан экан. Бу кимса «тадбиркорлик» фаолиятини гиёҳвандлик моддалари савдосидан бошлади. Шу мақсадда кўшни давлатдаги ҳамтовоғидан 200 грамм захри қотилни олиб, уйига яшириб кўяди. Сотилган чоғланаётганида эса...

Ички ишлар идоралари ходимларининг хушёрлиги туфайли ана шундай нопок

## КЕНГ КЎЛАМДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

кимсаларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари олди олинаётгани қувонарли ҳол. Бинобарин, Наманган вилояти ИИБ тоғли ҳудудлардаги жиноят қидирув бўлими ходимлари олиб борган тезкор чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 50 та ҳуқуқбузарлик ва жиноят фош қилинди.

Шунингдек, ўтган даврда 6 миллион сўмликдан зиёд ўғирланган моддий-товар бойликлар топилиб, ўз жойига қайтарилди.

Булардан ташқари, тезкор-суриштирув тадбирлари жараёнида 12 нафар қидирувдаги шахс, шу жумладан,

чўпон ниқобида юрган, аслида мақсади диний-экстремистик ғояларни тарғиб қилишдан иборат бўлган икки киши жиноят устида қўлга олинди.

Жиноятларни «иссиқ изида» фош этиш, ҳуқуқбузарликларга ўз вақтида барҳам бериш баробарида тоғли ҳудудлар аҳолиси ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам мунтазам ва кенг кўламда олиб бориляпти. Бу йўналишдаги фаолият самараси эса янада эътиборга молик. Бошқача айтганда, сўнгги бир ярим йил ичида тоғли ҳудудларда содир бўлган жиноятларда шу жойларда яшаётган фуқаролардан би-

рортасининг иштироки қайд этилмади.

– Ходимларимизнинг самарали хизмат қилишлари учун раҳбарият томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар мақсадга эришиш имконини берапти. Шунингдек, жиноятларни очиш ва уларга қарши курашишда фаол иштирок этаётган ҳам-касбларимизнинг хизматлари Хукуматимиз ва вазирлик томонидан муносиб эътироф этилаётгани ҳам масъулиятимизни янада оширмоқда, – дейди катта тезкор вакил, майор Нодирбек Мирзаев.

**Абдусами ҚОДИРОВ.**

*Наманган вилояти.*

## ИЗЛАР ҲАҚИҚАТНИ ОШКОР ЭТАДИ

**Жиноят содир этилди. Унга ким, қандай ҳолатда, қачон ва қай йўсинда қўл урган? Бу каби саволларга жавоб топишда тезкор гуруҳ сафида ишга киришган эксперт-криминалистнинг кўмаги жуда асқотади. Соҳа вакиллари ҳар қандай мураккаб ва чигал вазиятда ўз билими, тажрибасига таянган ҳолда, зийраклик билан воқеа жойини кўздан кечириб, ақл бовар қилмайдиган тилсимларни очишга муваффақ бўлишади.**

Бу борада Бухоро вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам яхши самара бермоқда. Эксперт-криминалистика тезкор ходимларга воқеа жойидан олинган бармоқ излари, фотосурат, видеотасвир, ашёвий далилларни синчковлик билан текширишяпти. Шу орқали жиноятларни фош этишга яқиндан ёрдам беришмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлим ходимлари 500 мартадан кўпроқ воқеа жойларини кўздан кечириб, тергов ҳаракатларида иштирок этишди. Шунингдек, тергов ҳамда суриштирув органлари қарорларига асосан 650 га яқин суд-криминалистик ва кимёвий экспертиза хулосаларини бажаришди.

Бўлимда қўл-бармоқ излари бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун мўлжалланган «СОНДА» автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация тизими ишлаб турибди. Ушбу тизим орқали



ҳозирги вақтга қадар бир неча жиноятнинг очилишига, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлашга эришилди.

Масалан, шу йилнинг 20 январь куни Вобкент туманида фуқаро Ф. Камоловга тегишли бўлган «Дамас» русумли автомашина номаълум шахслар томонидан ташлаб кетилгани аниқланди. Автомашинани кўздан кечириш жараёнида олинган

бармоқ излари «СОНДА» АДIT базасида текширилганида топилган бармоқ излари шу тумандаги Тахтаҳон қишлоғида яшовчи Д. Лочинга тегишли эканлиги аниқланди.

Бўлим ходимлари махсус ва тезкор режалар асосида ўтказилаётган ўқув машғулотларида ҳам

фаол қатнашиб, ўзларининг жисмоний тайёргарлиги ва касбий маҳоратларини оширишмоқда, амалий кўникмаларини мустаҳкамлашмоқда. Буларнинг барчаси иш жараёнида эришилаётган ютуқларда ўз аксини топмоқда.

**Мирзокул АҲАДОВ.**

*Бухоро вилояти.*

*Суратда: вилоят ИИБ ЭКБ ходимлари фаолиятдан лавҳа.*

**Муаллиф олган сурат.**

**Сирдарё вилоятида вояга етмаганлар томонидан ёнғин содир этилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят ИИБ ЭХБ, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими бошқармалари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида тўрт босқичдан иборат профилактик тадбирлар ўтказиляпти.**

## БОЛА ҚАРОВСИЗ ҚОЛСА...

Таълим муассасалари ҳар доим ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган ҳолатда бўлиши керак. Шу билан бирга, ўқитувчи ва ўқувчилар ёнғин хавфсизлиги қоидаларидан яхши хабардор бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам профилактик тадбирлар давомида махсус видеороликлар намойиш этилиб, иштирокчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишининг аҳамияти тўғрисида мутахассислар томонидан батафсил тушунтириш берилмоқда. Мавжуд бирламчи ёнғин ўчириш асбоб-ускуналари ҳамда улардан фойдаланиш, фавқулодда ҳолат юзага келганда махсус қутқарув режаларига мувофиқ бинони тарқ этиш ва бошқа тегишли чора-тадбирларни қўллаш ҳақида ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар ўтилмоқда.

Шунга қарамай, айрим таълим масканларида ёнғинлар содир бўлиб туради. Ўрганишлар эса бунда нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчи-хизматчиларнинг ҳам айби борлигини кўрсатади. Шу боис профилактик ишлар мунтазамлигини таъминлашга ҳаракат қилинапти. Ёнғиннинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар бевосита таълим даргоҳида таҳлил этилиб, бундан кейин ана шундай камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, айрим отаналар бирор юмуш баҳонасида ёш болаларини уйда ёлғиз қолдириб кетадилар. Бу кўпинча яхшиликка олиб келмайди. Чунки гарчи эҳтиёткорлик ҳақида огоҳлантирилса ҳам бола барибир бола-да, қизиқувчанлиги, ўйинқароклиги ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, Сардоба туманида яшовчи фуқаро Э. Ботиров икки нафар фарзандини уйда қаровсиз қолдиргач, болалар молхона атрофидаги чиқиндиларга гугурт чақади, натижада ёнғин бошланади. Охир-оқибат олов молхонага ўтиб, шифтининг катта қисми ёниб кетади. Хайриятки, кўшнларнинг сергаклиги туфайли болаларга ҳеч қандай жабр етмайди.

Ҳа, бола қаровсиз қолса, ана шундай кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Демак, ота-оналар буни яхши тушуниб олишлари, вояга етмаган фарзандларини назоратсиз қолдирмасликлари мақсадга мувофиқ.

Тез орада ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътили бошланади. Шуни эътиборга олган ҳолда таътил пайтида маҳаллаларда олиб бориладиган профилактик тадбирларга болаларни янада кўпроқ жалб этиш режалаштирилган. Мақсад фарзандларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларини яхши тушуниб, ўзлаштириб, мунтазам амал қилсинлар.

**Ҳасанбой БЕРДИЕВ,**  
катта лейтенант.

*Сирдарё вилояти.*

## «101» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 160 та ёнғин қайд этилди. Турли сабабларга кўра содир бўлган ёнғинларда беш нафар фуқаро тан жароҳати олган. 918 миллион сўмлик қурилиш материаллари ва 737 миллион сўмлик моддий бойликлар ёнғиндан сақлаб қолинган.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи фуқаро Х. Мўминовнинг хонадонидagi электр симларининг эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолгани қимматга тушди. Қисқа туташув натижасида ёнғин келиб чиқиб, уйнинг томи, шифт қисми ва жиҳозлари ёниб зарарланди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида истиқомат қилувчи М. Акбаровнинг ҳам уйида ёнғин содир бўлди. Оқибатда яшаш уйининг 50 кв. метр майдонда том қисми ёниб кетди. Ёнғин хавфсизлиги талабларига зид равишда электр пайвандлаш ишларининг олиб борилиши натижасида рўй бергани аниқланди.

Ўчоқни ёқиб, назоратсиз қолдирилиши **Хоразм вилояти Кўшкўпир туманида** яшовчи фуқаро И. Холбоевнинг уйида ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлди. Гараж ёнига қурилган ўчоқдан сачраган учкунлар алангага айланиб гаражнинг том қисмини ёндириб юборди.

**Кўринадик, ёнғин билан боғлиқ юқоридаги кўнгилсизликлар бепарволик ва эътиборсизлик туфайли содир бўлмоқда. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ёнғин хавфсизлиги талабларини ёддан чиқарманг. Газ ва электр жиҳозларидан тўғри фойдаланинг, очик оловдан фойдаланишда эътиборсиз бўлманг!**

**Ж. ҲАКИМОВ,**  
майор.



# ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

## ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

**Хаётда ҳамма адашиши мумкин. Кимдир тўғри йўл қолиб, эгрисидан юрса, яна бошқаси ҳеч ким кўрмаяпти-ку, дея қинғирликка қўл уради. Айримлар эса ўзлари билмаган ҳолда жиноят содир этади. Шубҳасиз, жиноятга жазо муқаррар. Шунга кўра, ҳар ким экканини ўради — қилмишига яраша жазоланади. Лекин маҳкум ўзини яхши тутса, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса, халқимизга хос кечиримлилик, инсонпарварлик туфайли жазо энгиллаштирилиши, афв этилиши мумкин.**

Бундай вазиятда маҳкум уйига, оиласи бағрига қайтади. Жамиятга мослашиб, ўзи учун тўғри йўлни танлаб олади. Энг муҳими, у қайта жиноят йўлига кирмасин, хатоларидан тўғри хулоса чиқарсин. Бу борада уларга ҳар томонлама кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш ҳар доимгидан ҳам муҳим, албатта. Негаки, қамоқ муддати озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан бирига алмаштирилган, яъни ахлоқ тузатиш иши ёки шартли синов жазоси-

га ҳукм қилинган шахс, дейлик, бирон-бир идорага иш сўраб борса-ю, «сен қамалган экансан», деб уни ишга олишмасан, ҳуқуқларини поймол қилишса, яна эски хунарини қилишга мажбур бўлади. Бу эса жамият учун жуда хавфлидир.

Сариосиё тумани ИИБ ҲООБ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш гуруҳи ходимлари бу ҳақиқатни теран англаб етган ҳолда хизмат фаолиятини самарали олиб боришяпти. Аини пайтгача туманда хи-



собда турган маҳкумларнинг аксарияти ахлоқ тузатиш ишига, каттагина қисми эса муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган. Ораларида шартли ҳукм қилинганлар ҳам бор. Уларнинг муаммолари тегишли мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ҳал этилаётгани, тушунтириш ишлари яхши

йўлга қўйилгани туфайли кўплаб маҳкумлар жамият бағрига қайтмоқда.

— Шу кунгача маҳкумларнинг 67 нафари ҳисобдан чиқарилди, — дейди туман ИИБ ҲООБ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш гуруҳи бошлиғи, сержант Алибек Ашуров. — Тақдимнома-

га кўра 24 нафар маҳкум судлар томонидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган. Шу билан бирга, 23 нафар маҳкум амнистия актига асосан озод этилган бўлса, 45 нафар маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси билан судланиб, беш йилга олти ойга озодликдан маҳрум этилган К. Сухроб жазони ижро этиш муассасасида ўзини яхши тутгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлгани учун унинг жазо тури яқинда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган эди. Аммо озодликка чиққач, бироз вақт иш тополмай қийналди. Сўнг вазиятдан гуруҳ ходимларини хабардор этиб, кўмак сўради. Гуруҳ ходимлари маҳкумнинг бандлигини таъминлаш мақсадида туман ободонлаштириш бошқармасига мурожаат қилишди. Кўп ўтмай

К. Сухроб иш билан таъминланди. Ҳозирда ҳам жамиятга, ҳам оиласига унинг нафи тегапти.

Афсуски, ана шу имкониятдан унумли фойдаланиш, бирор иш билан машғул бўлиб тинчотув яшаш ўрнига яна турли ҳуқуқбузарликлар содир этаётган, жиноят оламига кириб қолаётганлар ҳам оз бўлса-да, учраб турибди. Бундай ҳолатлар юз бермаслиги учун гуруҳ ходимлари мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб боришяпти. Маҳкумларни иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар атрофича ўрганилиб, тўғри ечим топилмоқда. Зотан, бу саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад битта: маҳкум оиласи бағрига, жамиятга қайтсин, асло темир панжара ортига эмас.

**Фозил НИШОНОВ.**  
Сурхондарё вилояти.

**Суратда:** сержант Алибек Ашуров ва кичик сержант Холмурод Мелиқмуродов хизмат пайтида.

**Эркин ТУЛЯЕВ**  
олган сурат.

### ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

#### БИРОВНИКИ БУЮРМАДИ

Бухоро шаҳрида яшовчи Х. Дилрабо ИИБга мурожаат қилиб, уйдан 4 минг 400 АҚШ доллари ўғирлаб кетилганини билдирди. Ички ишлар идоралари ходимлари мазкур мурожаат юзасидан зарур чораларни кўриб, тезда ўғрини топишга муяссар бўлишди. Маълум бўлишича, ушбу жиноятни жабрланувчининг ҳамшаҳари Т. Абдурахмон содир этган экан.


Бировники ҳеч қачон буюрмаслигини анча кеч англаб етган Абдурахмон энди қилмишига яраша қонун олдида жавоб беришга мажбур.



#### БОҒДАГИ ЙЎЛТЎСАР

Нукуслик А. Адҳам шаҳардаги истирожат боғида айланган юрганида нотаниш бир кимса унга пичоқ билан таҳдид қилиб, 280 минг сўм пули ва «Nokia» русумли уяли телефонини тортиб олди. Зўравон қочиб кетгач, жабрланувчи тезда бу ҳақда ички ишлар идораларига хабар берди.

Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган йўлтўсар — нукуслик 33 ёшли А. Рўзимат қўлга олинди. Аини пайтда тергов ҳаракатлари давом этмоқда.




#### ЖИҚҚАМУШТ ҚЎШНИЛАР



Андижонлик К. Даврон нима жин урди-ю, ён қўшниси М. Достон билан гап таллашиб қолди. Муросага келиш ўрнига ҳатто ёқалашигача бориб етишди. Бошқаларнинг панд-насихатига қулоқ солмаган Даврон жаҳлга эрк бериб, қўшнисининг юз-кўзига мушт туширди. Ён-атрофдагилар уларни базўр ажратиб олишди. Жабрланувчига шифохонада ёрдам кўрсатилди. Зўравон эса тергов ишларига жалб этилди.

#### ЯРИМ ЙЎЛДА УШЛАНДИ



Навоийлик Ш. Исомиддин ўзига тегишли «Москвич-412» русумли автомашинасини ҳар доим уйи олдида очиқ ҳолда қолдирарди. Бу ғараз ниятли Т. Садриддинга қўл келди. У қулай фурсат топиб, машинани олиб қочди. Лекин ўйлаган ниятига етолмай ярим йўлда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ушланди. Автомашина эса эгасига соз ҳолатда қайтарилди.

Ҳозирда Т. Садриддиннинг ишига тергов жараёнида ойдинлик киритилмоқда.

**Шерали АНВАРОВ,**  
майор.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, кейинги йилларда инсонлар ўртасида асабийлашиш, ҳаяжонланиш каби саломатликка зарар етказадиган ҳолатлар камаймаётгани қайд этилган. Бу эса кишиларни руҳий зўриқишга олиб келади, албатта. Инсон хотиржам, бемалол ва бирор нарсадан руҳланган ҳолда меҳнат қилса, унинг ишида унум бўлади. Бунини шифокорлар бот-бот такрорлашади. Бироқ шундай ҳолатлар бўладими, асабийлашмасдан илож қолмайди. Айниқса, ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ҳам бундай ҳолатлар учраб туради. Ана шунини ҳисобга олиб, республика ИИБ раҳбариятининг ташаббуси ва кўрсатмасига биноан ички ишлар идораларида «Рухий энгиллаштириш хонаси»ни ташкил этиш йўлга қўйилган.**

### ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ



Жиззах вилояти ИИБ маъмурий биносида ҳам «Рухий энгиллаштириш хонаси» ташкил этилган бўлиб, зарур анжомлар билан жиҳозланган. Ходимлар руҳий мадад олиш учун бу ерга келиб туришади.

— Марказ соғломлаштириш, тиббиёт, психологик коррекция ва консултация ва руҳий энгиллаштириш хоналаридан иборат, — дейди вилоят ИИБ ШТБХ катта инспектор-психологи, катта лейтенант Диёр Ҳакимов. — Шахсий таркибнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ходимларнинг хизматдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида соғломлаштириш хонаси спорт

риш, психотренинг машғулотларини олиб бориш учун психологик коррекция ва консултация хонаси ташкил этилган.

Шахсий таркибнинг руҳий зўриқиш, тушкунлик, стресс ҳолатларидан тез ва самарали чиқиши, хизматдан сўнг чарчашларининг олдини олиш, уларнинг фаоллигини ошириш, соғлиғини яхшилаш, фавқулодда ҳолатлардан сўнг хизмат фаолиятига ижтимоий мослашиш ва ўзини бошқариш хусусиятларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган «Рухий энгиллаштириш хонаси» хизмат самарадорлиги ортишида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**  
Жиззах вилояти.



Маърифат ва сиёсий ўқиш

# ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ

**Президентимиз Ислон Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида қадрият тушунчасига шундай таъриф берганлар: «Албатта, биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари қадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз». Қадрият тушунчаси турлича таснифланади. Қадриятшунос олимлар унинг асосан икки турини алоҳида қайд этганлар.**

**Биринчиси, маънавий қадриятлар.** Инсоннинг ички руҳий дунёси билан боғлиқ асрлар давомида қадрини йўқотмай келаётган туйғулар: ҳалоллик, поклик, вафо, садоқат, бағрикенглик, меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат. **Иккинчиси, маданий қадриятлар.** Инсон фаолияти, ташқи дунёси билан боғлиқ ота-она хизмати, қўни-қўшни зиёрати, қариндош-уруғ оқибати, эл-юрт равнақиға ҳисса қўшиш, яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлиш каби тушунчалар.

**Ислон маънолари.** Ислон сўзи луғатда бўйсунуш ва тинчлик маъноларини англатади. Бу икки тушунча ўзаро боғлиқдир. Қаерда қонунга бўйсунуш бўлса, ўша ерда тинчлик бор. Қайси жойда итотсизлик, исёнкорлик ҳукмрон бўлса, у ерда зиддият, нотинчлик, ҳатто уруш...

Бугун Яқин Шарқ мамлакатларида содир этилаётган хунрезликлар, гуруҳбозлик ва ихтилофлар, тўқнашув, қарма-қаршилиқлар айнан бўйсунмаслик, исёнкорликнинг аянчли оқибатидир. Ислон никоби остида қўпуровчилик, қотиллик қилаётган бундай кимсаларга қарата шундай дегинг келади: Ислон итотдир, исёнкорлик эмас. Тинчликдир, урушқоқлик эмас. Омонликдир, даҳшат солувчилик эмас. Бағрикенгликдир, тарафқашлик эмас. Дўстликдир, тарқоқлик эмас. Бунёдкорликдир, ялқовлик эмас. Ватанпарварликдир, боғийлик-бузғунчилик эмас. Меҳр-муҳаббатдир, қаҳр-адоват эмас. Маърифатдир, жаҳлат эмас. Зиёдир, зулмат эмас....

Шундай экан, турли фитна ва бўҳтонлар, игво, тухматлар орқали инсониятга ислон моҳиятини бузиб кўрсатиш нақадар оғир жиноят экани кўз олдимизда яққол намоён. Аммо кундай равшан, мазкур ҳақиқатни тушунмаётган ёхуд тушунишни истамаётган жохил ва саркашлар мавжудлиги ҳар бир онгли инсонни ташвишга кўяди.

Қуръони каримда «ислом» сўзининг ўзаги бўлган «силм» (тинчлик маъносида) сўзи асосида 140га яқин муборак калима зикр қилин-

ган. Демак, тинчликни тарғиб қилувчи оятлар сони 140 тага боради. Уруш маъносини англатувчи «ҳарб» сўзи ўзақдошлари билан бор йўғи 6 тадир. У ҳам бўлса, мудофаа мақсадини кўзлашини



мутахассислар эътироф этганлар.

Ислон динининг асрлар давомида башариятни эзгуликка, маърифатга чорлаб келаётган, йиллар давомида ҳаётбахш маънолари кишилар қалбидан ўрин олиб, тарихнинг турли мураккаб онларида ҳам беназир ҳамдам, дилларга малҳам бўлиб, ҳазрат Навоий таъбирлари билан айтганда, турмушига рўзгор сафолигини, дунёқарашига ҳидоят зиёсини олиб кираётган тушунчаларини ислоний қадриятлар деб атаймиз.

Бу қадриятлар имон, эътиқод, виждон, диёнат, маънавият каби ўлмас ва энгилмас туйғулар самарасидир. Бу қадриятлар олий даражадаги одоб-ахлоқ, чуқур билим ва маърифат тақозосидир. Бу қадриятлар тинчликсеварлик ва сулҳпарварлик, ҳақсеварлик ва инсонпарварлик, ватансеварлик ва халқпарварлик, билимсеварлик ва маърифатпарварлик, меҳнатсеварлик ва бунёдкорлик каби бугун умуминсоний дея эътироф этилган, жаҳон тамаддуни тараққиётига бемисл улуш қўшган анъаналар ҳосиласидир.

Кези келганда, миллий ва диний қадриятларимиз ўзаро чамбарчас боғланиб кетгани-

ни, уларни бир-бирдан ажратиш мушкуллигини таъкидлаш жоиз. Бу ҳақда Президентимиз Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асаридаги қуйидаги фикрларини келтириш ўринли: «Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан

дейилади. Инсонлар учун йўл қуриш ёхуд йўлларни обод қилиш қадриятга имон белгиси сифатида қаралган.

Ислон асосларида инсониятни фаҳш ва бузғунчи ишлардан қайтариши қайд этилган. Савоб учун очлик ва ташналикни ирода қилса-ю, ёмонликлардан тийилмаса, бундай машаққатдан ҳеч қандай манфаат йўқлиги, савоб учун улуғ зиёратга борса-ю, аммо тилини бузуқ сўзлардан, ўзини фиску фужур ишлардан тиймаса, ҳатто узоқ давом этган сафаридан ҳам фойда бўлмаслиги таъкидланган. Даромадининг қирқдан бирини эҳтиёжманд кишиларга бераман деса-ю, бу

чиққанда имон гавҳарин кўнглимга сол, Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо» дея муножот қилдилар.

Ислондаги энг муҳим қадриятлардан яна бири ҳалолликдир. Буюк бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг: «Ибодат ўн қисм бўлса, шундан тўққиз қисми ҳалолликни талаб қилиш, қолган бир қисми бошқа ибодатлардир» деган фикрлари ҳалоллик мақоми қанчалар юксак эканини кўрсатиб беради. Ҳалоллик ҳар томонлама покликни ифодалайди. Шу ўринда яна Навоий ўғитлари ёдга келади. Буюк мутафаккир баркамоллик намунаси бўлган Фарҳодни тавсифлаб, «Демангим, кўзи поку ҳам сўзи пок, Дили поку, тили поку ҳам ўзи пок», дейдилар.

Ҳалолликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – ўғрилик, порахўрлик, фирибгарлик, давлат мулкни талон-тарож қилиш каби кишилар мулкига тажовуз ва хиёнат қилишдан тийилишдир. Ислон таълимотига кўра, энг бечора кимса бу ўзгаларнинг шаъни, соғлиғи ва мулкига тажовуз қилган киши ҳисобланади. Унинг энг бечора, дейилишининг сабаби қилган гуноҳи ва жиноятининг то ўзи зулм қилган кишининг розилигини олмагунча кечирилмаслигидандир.

Ҳалоллик муҳимлигидан, унга олиб боровчи воситаларнинг барчаси, айниқса, меҳнат қилиш, касб-хунар билан шуғулланиш ҳам ислоний қадриятлар орасида алоҳида ўрин тутади. Кишилар ҳақиға кўз олайтириш, тамагирлик, дангасалик муқаддас динимизда қораланади. Ҳадиси шарифда «Инсон ўз қўли билан ишлаб топган луқмасидан ширинроқ неъмат йўқ» экани таъкидланган. Шунинг учун диёримиздан ўтган буюк аллома ва мутафаккирлар касб-хунар билан шуғулланганлар. Масалан, Тожкентнинг Ҳастимом – Ҳазрат Имом даҳасига номи қўйилган Абу Бакр Шоший қафқоллик, яъни қулфсозлик қилганлар. Абу Саъид Харроз косибликни, Абу Ҳафс Ҳадод темирчиликни касб қилган бўлсалар, Баҳоуддин Нақшбанд матога гул солганлар. Диёримиз мусулмонлари амал қиладиган ҳанафий мазҳаби асосчиси – Имоми Аъзам Нўъмон ибн Собит тижорат билан шуғулланганлар ва ҳоказо, кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Ислонда инсон ҳақи шунчалар улуғвор мақомдаки, банданинг ҳақиға хиёнат қилиш Яратганинг ҳақиға хиёнат қилишдан оғирроқ ҳисобланади. Чунки Парвардигор ҳеч нарсага муҳтож эмас, ҳолатлардан пок зот. У ўзининг ҳақини кечиши

чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиэ отади ва ривожланади».

Қадрият масаласи ислонда ибодат даражасига кўтарилган. Ибодатлар моҳиятида эса қадриятларни муҳофаза қилиш ётади. Масалан, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда ота-онага яхшилик қилиш таъкидланган. Бу қадрият савоби улуғ амаллардан ҳисобланади. Шоир таъкидлаганидек, «Отанг билан онанг қалби ўтар Каъба тавофидин, Алар кўнглини шод этсанг бу хизмат ҳам ибодатдир».

Ислондаги беш асоснинг моҳиятига эътибор қаратилса, уларнинг барчаси инсоният учун қадрият ҳисобланган эзгуликларга чорлаши маълум бўлади. Масалан, имоннинг энг кичик белгиси кишиларга озор берадиган нарсани йўлдан олиб ташлаш

даромад нопок йўллардан келган бўлса ёхуд нопок йўллarga сарфланса, савоб қиламан, деб гуноҳ ва жиноятга ботиб кетиши ҳақида огоҳлантирилган. Демак, ислонда савоб ва қадрият тушунчалари ўзаро чамбарчас боғланган. Ислоний қадриятлар орасида биринчи ўринда турувчи бу албатта, имондир. Имон барча эзгуликлар манбаи, яхшилик ва гўзаллик асоси сифатида қаралади. Мўмин сўзининг маъноси – имонли, имон эгаси деганидир. Ҳалоллик, поклик, ҳаё, вафо, тўғрисиқлик, садоқат сингари барча маънавий фазилатлар имоннинг бўлаклари сифатида талқин этилади. «Имон етмишдан ортиқ бўлаклардан ташкил топган, ҳаё имоннинг бўлагидир», дейилади Ҳадиси шарифда.

Ўзини имонли деб ҳисобловчи ҳар бир инсон атрофга фақат эзгулик соғиниши ва кишиларга озор берадиган ишларнинг барчасидан ўзини тийиши лозим. Бу борада авлиёлар авлиёси, мутафаккирлар мутафаккири, шоирлар султони бўлган Алишер Навоий инсониятга ибратдир. Алишер Навоийнинг умрини буюк ишларга бағишлашига сабаб бўлган туйғу комил имон эди. Шунинг учун ҳазрат: «Нақди жон

## Мулоҳаза

## ХОРЛИК ИСТАСАНГ – ТАМАГИР БЎЛ

**Бир юмуш билан кетаётиб, анча вақтдан бери кўришмаган танишимни учратиб қолдим. Саломлашиб ҳол-аҳвол сўрашдик. Яқинда фарзандли бўлганини эшитиб қувондим ва уни табриклардим.**

– Шифокорларга ҳам маза экан-да, – деди у кесатиқ оҳангида. – Давлат томонидан тўланаётган маош камлик қилгандек, сира тўйдим демайди.

– Ҳаммаси ҳам шундай эмас-ку, ахир, – дедим.

– Гапинг тўғрику-я, лекин қайси бирига ишонишни ҳам билмай қоларкансан баъзида, – деб куйидаги воқеани гапириб берди...

Хотинини туғуруқхонага олиб борганида уни текшириб кўрган шифокор, ҳомиланинг хавф остида эканлигини, сақлаб қолиш мушкуллигини айтибди. Бу гапни эшитгач, унинг онаси қаттиқ куюнибди. Туғуруқхона ҳовлисида йиғлаб ўтирар экан, ёнига бошқа бир шифокор келиб, кўнгил сўрабди. Бўлган воқеани унга баён қилишгач, аёлни текшириб кўрибди ва ҳеч қандай хавф йўқлиги, ҳомила соғломлигини айтибди. Кўп ўтмай бола соғ ва саломат туғилибди. Аёлнинг кўзи ёриётган пайти унинг тепасида турган ҳалиги шифокор болани асраб қолиш учун анча тер тўкканини, бунинг эвазига унга «одамгарчилик» қилиш кераклигини билдирибди.

– Бу «одамгарчилик» унча-мунча пул бўлмади, – дея сўзини якунлади у.

– Сен индамай беравердингми, ҳуқуқ-тартибот идоралари бор, мурожаат қилсанг бўлмасмиди?! – дедим куюниб.

– Эсинг жойидами, болам уларнинг кўлида

бўлса, қолаверса, охирги келишим эмас-ку, насиб қилса, яна шуларга ишим тушади-да!

Майли-да, дедим ичимда. Фарзанд қувончи олдида мол-дунё нима деган гап. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ахир, қачонгача «майли-да» деб кўямиз. Бу билан барча шифокорларни ёмонотлиқ қилиш ниятидан холимиз албатта. Тажрибали, оққўн-гил, инсонпарвар шифокорлар жуда кўп. Уларнинг меҳрибонлиги, ширинсуханлигини кўрсангиз бемор бўлганингизга ҳам «уялиб» қоласиз баъзан. Айниқса, газеталарда уларнинг хизматлари эътироф этилган миннатдорлик хатларини ўқиб, қувониб кетасиз. Бироқ биргина тамагир қанчалаб шарафли касб эгаларининг номига доғ тушириб кўйиши ҳам мумкин экан. Баъзи ташкилотларга иш билан борсангиз, «югур-югури кўп» ёки «харажати бор», дейишлари таъбингизни хира қилади. Ахир, шундай фаровон, тўкин-сочин замонда яшаб туриб тамагирлик қилиш, куни келиб хорлик сари етаклашини, наҳотки, баъзи инсонлар тушуниб етмаса.

Тамагирликнинг ҳар қандай кўриниши инсонни хорлик сари етаклашини ҳазрат Алишер Навоий шундай таърифлайди:

**Тутма тамаъки хорлик  
ўлмиш унинг бари,  
Сен бўйла хор тухмин экиб,  
қилма гул тамаъ.**

## РИВОЯТ

*Бир кампирнинг биттагина товуги бор эди. Бу товук ҳар икки кунда бир марта тухум қиларди. Кампир бир кун:*

*— Товугимнинг қорнида тухум хазинаси бор бўлса керак. Ҳар икки кунда бир тухум олишдан кўра, унинг қорнидаги тухум хазинасида сақланган ҳамма тухумни биратўласи ола қолай,— деб дарҳол товугини бўғизлади. Афсуски, товук қорнида тухум хазинаси у ёқда турсин, бир дона ҳам тухум тополмади, бунинг устига товугидан ҳам айрилди.*

*Хулоса: Инсон ҳеч вақт тамагир бўлмасдан, кўлида бориға қаноат қилиши керак. Тамагирлик инсонга ҳеч нарса ҳосил этмайди, балки ҳар вақт ҳосил бериб турган нарсасини ҳам ғойиб этади.*

мумкин. Аммо бир инсон бошқа инсонга тажовуз қилса, то ўзи зулм қилган кимсанинг розилигини олмагунча гуноҳи кечирилмайди. Шу ўринда ислом номи билан зўравонлик ва бузғунчилик қилаётган, минг-минглаб беғуноҳ кишиларнинг ёстигини қуритаётган бузғунчи оқимлар уммон тубига ботгандек, гуноҳга ботиб кетганларини, кези келганда, қилган қилмишлари учун жавоб бериб, энг хор, энг бечора, энг зор кимсалар қаторидан ўрин олишларини таъкидлаш жозидир.

Ислом динидаги бугунги кунда долзарб бўлган қадриятлардан бири бу каттага ҳурмат, раҳбарга итоат, қонунга риоядир. Ҳар бир имонли инсон ёши улугларни эъзозлаши, раҳбарларга бўйсунуши, давлат ва жамият қонун-қоидаларига амал қилиши ўта муҳимдир. Айни пайтда ислом оламнинг баъзи нуқталарида юз бераётган парокандалик ва зиддиятнинг, ихтилоф ва адоватнинг, харобалик ва ҳалокатнинг асосий сабабларидан бири каттага ҳурмат, раҳбарга ва қонунга итоат тушунчасининг барбод бўлганидир. «Катталаримизни ҳурмат, кичикларимизга шафқат қилмаганлар биздан эмас», «Барака катталарингиз билан бирга», «Бир қавмнинг мўътабар кишиси келса сиз ҳам уни иззат-икром қилинг», «Ким султонни хорласа Аллоҳ уни хорлайди» мазмунидаги ҳадислар мазкур фикрлар исботидир.

Хулоса ўрнида Юртбошимизнинг куйидаги фикрларини келтириш ўринли: «Агар мендан нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келаяпти, деб сўрашса, бу – аввало муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим. Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламанса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмас, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик».

Ислом маданияти ҳам ислом динига эътиқод қилувчи халқлар фаолияти натижасида юзага келган моддий ва маънавий бойликларни акс эттирувчи тушунчадир. Моддий бойликлар деганда илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик каби фаолият натижаси бўлган, йиллар ўтиши билан қадри ошиб борадиган асарлар, ашёлар, бино ва обидалар тушунилади. Маънавий бойликлар деганда моддий бойликлардан фойдаланиш асносида юзага келадиган инсоннинг маърифати, ахлоқий фазилатларини юксалтирадиган, руҳиятига завқ бағишлайдиган, ҳаётга бўлган муносабатини шакллантирадиган қадрият, анъана ва меъёрларни тушунамиз.

Ислом маданияти мусулмон халқлари томонидан яратилган жаҳон тамаддуни хазинасида муносиб ўрин олган беназир илмий асар-

лар, санъат намуналари, бетакрор обида ва зиёратгоҳларни, шунингдек, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда зикр этилган, олимлар, фозиллар, мутафаккирлар томонидан жамланган, инсоният маънавияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган имон, виждон, диёнат, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат каби ахлоқий фазилатларни ўзида акс эттиради.

Ўзбекистоннинг ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс. Бу диёрдан чиққан бухорийлар, самарқандий, термизий, хоразмий, насафий, марғиноний, шошийлар асарларисиз ислом илм-фани ва адабиётини тасаввур этиш амри маҳол. Бугун мазкур улкан маданий ва маънавий меросимизнинг бир қисми бўлган, Шарқ кўлёмалари марказида сақланаётган 40 мингга яқин кўлёмма ва тошбосма китобларда акс маънолар хазинаси юқоридаги фикрнинг тасдиғидир.

Юртимиз обида ва зиёратгоҳлари халқимиз маънавиятини юксалтиришга муҳим омил бўлиши билан бирга дунё аҳлини, хусусан, диёримизга ташриф буюрувчи меҳмонлар, сайёҳлар, зиёратчиларни ўзига ром этиб келмоқда. Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида таъкидлаганларидек, «Мамлакатимиз ҳудудидида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди». Ушбу улкан мероснинг асосий қисмини ислом маданиятига оид меъморий ёдгорликлар ташкил қилади.

Ватанимизнинг ислом цивилизацияси ривожига беназир ўрнини ҳисобга олган ҳолда ISESCO халқаро ташкилоти томонидан 2007 йилда Тошкент ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Шу муносабат билан мамлакатимизда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, миллий ва халқаро даражадаги анжуманлар ўтказилди. Ушбу тадбирларга хориждан ташриф буюрган халқаро ташкилотлар раҳбарлари, юқори мартабали меҳмонлар, дунёга машҳур олим ва мутахассислар томонидан Ўзбекистоннинг ислом маданияти тараққиётига қўшган юксак ҳиссаси такрор-такрор эътироф этилди.

Ислом маданиятининг каттага ҳурмат, кичикка иззат, ота-онага хизмат, қариндошларга оқибат, кўни-қўшнларга меҳр-муруват, бағрикенглик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби қадриятлари диёримиз халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган ва бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

**Саидафзал САИДЖАЛОЛОВ,**  
Тошкент Ислом университети катта ўқитувчиси.

Мансаб, мартаба ҳеч кимга абадий берилмаган. Баъзилар лавозимга ўтириб қолса, «кўрмаганинг кўргани қурсин» қабилда иш тутиб, тамагирликни касб қилиб олишади. Бир куни шундай мансабдор лавозимидан озод қилинибди. Бекорчиликдан зерикиб чойхонага чиқса, қизгин суҳбат тўхтаб, одамлар тарқала бошлабди. Аввалига бу ҳолга унчалик эътибор қилмаси-да, лекин ҳар куни бу каби воқеалар такрорланаверибди. У борган жойдан одамлар кетиб қолар, бир пайтлар маҳалланинг тўй-маъракаларига айтилса, «менга иши тушади-да, хушомад қиляпти», деган хаёлга борадиган одамни энди биров йўқламай кўйибди. Шундагина у амалдорлик пайтида тамагирлик қилиб, кўпчиликнинг дилини оғритганини тушуниб етибди. Кишига бундан ортиқроқ хорлик бўлиши мумкинми?

Тамагирлик аянчли оқибатларга олиб келишини айни кунларда ҳам кўплаб жонли мисолларда учратиш мумкин. Қонунларимизда пора олиш, бериш ёки унда воситачилик қилиш каби жиноятларга қарши оғир жазолар тайинланган. Бироқ баъзи инсонларда ҳуқуқий саводхонлик етишмаслиги сабабли тамагирларнинг фаолиятига чек қўйиш осон кечмаяпти. Саъдий Шерозийнинг куйидаги мисраларида ҳам бу иллатга дучор бўлган одам кул экани, нафсига эрк бермаган одамгина ҳақиқий озодлик лаззатини ҳис этиши, тамагирлик кишини жамиятдан четлатиб кўйиши айтилмоқда:

**Кишини бузук нафс  
этар хору зор,  
Гар оқил эсанг сен  
уни айла хор.  
Тамаъга бўйинсунмаса  
ҳар киши,  
У кул эрмас, озод ўтар  
турмуши.  
Тамаъ жамиятдан  
чиқаргай сени,  
Уни ҳайдагил,  
у чиқармай сени.**

Қолаверса, донишмандлардан бирининг «Хорлик истасанг – тамагир бўл», деган пурмаъно гапида ҳам инсон тамагирлик орқали хорликни ўзига сўраб олаётгани назарда тутилган.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**  
сержант.



Долзарб мавзу

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

## ички ишлар идораларининг улар билан ҳамкорлиги

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, юртимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг негизи, пойдевори ҳам қонундир. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида жамиятни шакллантириш юртимиз эришаётган муваффақиятларнинг муҳим омилларидан биридир.**

Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь кунидаги қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусида қилган маърузасида «Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадрятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаолиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шaroит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда», дея алоҳида таъкидлаган эди.

Шу ўринда фуқаролик жамияти тушунчасининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратсак. Бу ҳуқуқ назариясида демократик жамият доирасида иқтисодий, сиёсат, маданият соҳаларидаги муносабатлар мажмуи бўлиб, ҳуқуқнинг олий даражадаги ривожланганлигини тақозо этади. Фуқаролик жамияти мулк шакллари билан хилма-хиллиги ва тенглиги, меҳнат қилиш, тадбиркорлик эркинлиги, сиёсий-мафкуравий фикрлар, ахборот эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, ривожланган ўзини ўзи бошқариш органларининг, маърифатли ҳуқуқий ҳокимиятнинг, жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашнинг мавжудлиги каби асосий белгиларни ўз ичига олади.

Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг асосий хусусиятлари ҳаётнинг ажралмас мустақам замини – иқтисодий-сиёсий ва маънавий бирлигида ўз ифодасини топади. Бундай жамиятда шахс ижтимоий муносабатларда ўзининг шахсий хусусиятларини йўқотмасдан иштирок этади, ҳар бир шахс ўзлигини намоён қилиб, фаолиятининг шакл ва турларини эркин танлайди. Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари агра кўппартиявийлик, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги, ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги ва оммавий ахборот воситалари киради. Ҳозирда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 8100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда, бу 2010 йилга нисбатан 1,6 марта кўпдир.

Фуқаролик жамияти институтларининг ташкил этилиши ва фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларининг ўзаги сифатида даставвал Ўзбекистон Республика-

сининг Конституциясини тилга олиш ўринлидир. Конституция-мизнинг XIII боби жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асосларига бағишланган. Мазкур бобда жамоат ташкилотларининг турлари, фаолият кўрсатиш тартиби, уларнинг давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларига нисбатан мустақил экани каби принциплар мустақамлаб қўйилган. Хусусан, Конституциянинг 56-моддасида белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади».

Фуқаролар йиғини биринчи марта ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида Конституцияда эътироф этилди ва 105-моддада қўйидагича ҳуқуқий норма белгиланди: «Шаҳарча, қишлоқ, овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳалларда ҳамда шаҳарлардаги маҳалларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади». Конституция-мизнинг 34-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканини эътироф этиш билан бирга, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифат шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қиммати ни ҳеч ким камситиши мумкин эмаслиги белгиланган. Асосий қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши ҳамда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги конституциявий принцип ўз ифодасини топган.

Муайян жамоат ташкилоти фаолиятида қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир фуқаронинг шахсий иши ҳисобланади. Фуқароларни жамоат ташкилотига аъзо бўлиб киришга мажбурий тарзда ундаш ёки ундан чиқиш-

га тўсқинлик қилиш ҳуқуққа зид фаолият деб тан олинади. Бундан ташқари, Конституция-мизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг экани белгиланган.

Шу билан бирга, жамоат ташкилотларига уюшиш эркинлиги муайян чегаралар доирасида амалга оширилади. Мазкур ҳуқуқдан жамиятга қарши мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда, Конституция-мизга биноан, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, irqий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига таъвоуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши, фаолияти ҳамда махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

Биз фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фондларнинг аҳамияти ортиб бораверади. Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қуйидаги қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги; «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги; «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги; «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги; «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги; «Диний ташкилотлар ва виждон эркинлиги тўғрисида»ги; «Жамоат фондлари тўғрисида»ги; «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги; «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.

Шунингдек, мамлакатимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Байналмилал маданият маркази, Хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳуқумат жамғармаси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, «Экосан» халқаро экология ва саломатлик фонди, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва амалиётга татбиқ этилган.

Фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривож-

ланишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, ички ишлар идораларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Маълумки, ИИБ тизими олдига жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби масъулиятли вазифалар қўйилган. Осойишталик посбонлари бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларининг барча бўғинлари билан узвий алоқада фаолият кўрсатмоқда. Буни айниқса, жиноятчиликка қарши курашиш, диний экстремизм ва терроризм кўринишларининг олдини олиш юзасидан аҳоли ўртасида огоҳликка чақириш ва унга қарши курашиш масаласида фуқаролик жамиятининг асосий устунларидан бири – маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлигида кўриш мумкин. Ҳозирда деярли барча милиция таянч пунктлари маҳалла идоралари билан бир бинода жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги Қарорига асосан «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисида ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида низомлар қабул қилинди.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмасини ташкил этишдан асосий мақсад маҳаллаларда осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашда давлат идоралари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорликда иш олиб боришларига эришишдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссияларининг асосий вазифалари жойларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдан иборатдир. Яраштириш комиссиялари таркибига фуқаролар йиғини раислари ёки уларнинг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раисаси, ҳудуддаги милиция таянч пункти профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактика инспекторлари, ҳудуддаги мактаб директорлари ёки уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, маҳаллада истиқомат қилувчи намунали оилаларнинг бошликлари, имомхатиблар, фахрийлар ва нурунийлар киради.

Шу билан бирга, тизим ходимлари зиммасига элу юртнинг тинчлигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчилик ва таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустақамлашлари, бунинг учун аҳолининг турли қатламлари, хусусан, мактаб, лицей ва коллежларда таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар билан тез-тез мулоқот ўтказиб туришлари замон талабидир.

Республикаимизда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бироқ бу йўлда қилинадиган ишлар ҳали талайгина. Фуқаролик жамияти, моҳият эътиборига кўра, давлат ва унинг органлари фаолиятини назорат қилади. Шунинг учун ҳам у зарурдир. Бу зарурат маълум асослар мавжуд бўлган тақдирдагина ўз ҳаётини ифодасини топиши мумкин. Жамоатчилик назорати, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, истеъмолчилар уюшмалари ва шу каби тузилмалар орқали амалга оширилади. Булар халқнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро мулоқотини таъминлаб берувчи «кўприк»дир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган аҳамиятга молик. «Жамоатчилик назорати» тушунчаси давлатимиз қонунчилигида янгилик эмас. Ўзбекистон Республикасининг 40 дан ортиқ қонунларининг 70 дан зиёд моддаларида, 10 дан ортиқ қонуности ҳужжатларида жамоатчилик назорати масаласи ўз ифодасини топган. Қабул қилинажак, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни лойиҳасидан ўрин олган қоидалар ҳам маҳалланинг жамоатчилик назорати субъекти сифатидаги ўрни, ролини мустақамлашга хизмат қилишини таъкидлаш ўринлидир.

Ислохотлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим ўрин тутди. Ушбу қарор фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш борасида муҳим қадам бўлиб хизмат қилди. Жумладан, мазкур қарорга биноан 2014 йилнинг 1 январидан нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилган давлат божи миқдори 5 баравар, уларнинг рамазларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилган йиғимлар миқдори 2,5 баравар камайтирилди.

Шуни унутмаслик керакки, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Чунки улар демократик кадрятлар, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бораёпти. Ушбу тузилмалар фуқароларнинг ўз иқтидорини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шaroит яратмоқда, жамиятимизда турли манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

**Алишер ХУРСАНДОВ,**  
ИИБ Тошкент олий  
ҳарбий-техника билим  
юрти ўқитувчиси,  
катта лейтенант.

## Мутахассис маслаҳати

**Офтоб уриши ва иссиқ элитиши организмнинг қизиби кетиши натижасида келиб чиқадиган оғир ҳолат. Бу қуёш нурлари организмга тик тушган пайт айниқса, бошни қиздириб юборганида кузатилади. Офтоб уриши об-ҳавонинг юқори ҳарорати ва намлиги, иссиқ, дим хонада кўп ўтириш, қуёш остида бош кийимсиз юриш, қалин, ҳаво ўтказмайдиган уст-бошлар кийиш, спиртли ичимликлар ичиш, овқатни меъеридан ортиқ истеъмол қилиш кабилар оқибатида юз беради.**

Қизиш ва айни вақтда кўп терлаш организмда сув, туз алмашинувининг бузилиши, қон айланишининг кийинлашуви, кислород танқислигига олиб келади. Иссиқ элитиши кўпинча, шамолсиз иссиқ кунларда айниқса, иссиққа чидамсиз ёки оғир жисмоний меҳнат қилаётган кишиларда кузатилади.

Иссиқ элитиши ёки офтоб урушининг энгил шаклида киши бўшашиб, боши оғрийдиган, томир уриши ва нафас олиши тезлашади, ҳарорати эса одатда ўртача бўлади.

Ўрта даражада офтоб урганда киши ўзини билмай қолади, талвасага тушиб, руҳий кўзғалиш рўй беради. Бесаранжомланиб, кўзига йўқ нарсалар кўриниши, қулоғига йўқ товушлар эшитилиши,

алаҳсираши мумкин. Нафас олиши тез-тез бўлиб, юрак фаолияти 120-140 мартагача уради, ҳарорати 41-42 даражагача кўтарилади. Бундай вазиятларда агар вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, бемор оғир аҳволга тушиб, оқибати ҳатто ўлим билан тугаши ҳам мумкин.

Шунинг учун офтоб урган ёки иссиқ элитган кишини дарҳол тоза ҳавога олиб чиқиб сояга ўтқизиб қўйиш лозим. Сиқиб турган кийимларини бўшатиб, елпигич ёки чойшаб билан елпиш, баданини совитиш, бошини совуқ сув билан намлаш керак, унга кўп суюқлик – туз қўшилган совуқ сув, яхна чой ва кофе ичириш тавсия этилади. Нафас олишни кўзғатиш учун шикастланган кишининг юзи нам сочиқ

# ОФТОБ УРМАСИН ДЕСАНГИЗ...



ёки дастрўмол билан елпилади, нашатирли спирт хидлатилади, бадани уқаланади. Беморнинг нафас олиши қийинлашиб ёки тўхтаб қолган бўлса, сунъий нафас олдириш керак. Оғир ва ўрта даражада шикастланган кишига биринчи ёрдам кўрсатиб, кейин энг яқин даволаш муассасасига олиб бориш, шошилиш равишида шифокор чақириб лозим.

Офтоб уриши ва иссиқ элитишининг олдини олиш учун ҳаво иссиқ кунларда ҳаракатларга қулай, очиқ рангли энгил кийим, бошга эса похол шляпа, сурпдан тикланган энгил кепка кийиш ёки очиқ рангли рўмол ўраб юриш мақсадга мувофиқдир.

Ички ишлар идоралари ходимлари ҳам бу даврда хизматларни ўташ билан бирга, ўз соғлигини сақлаш

га алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Зеро, уларнинг ҳар куни ва ҳар дақиқаси очиқ ҳавога, қуёш қиздириб турган пайтга тўғри келади. Шу боис офтоб уришига қарши чора-тадбирларнинг барчаси уларга ҳам тааллуқлидир. Бундан ташқари, барча туман ва шаҳарларда, вилоятларда тиббиёт бўлимларимиз, малакали шифокорлар доимий равишда фаолият кўрсатишмоқда. Офтоб уриши билан боғлиқ хасталикни ҳис қилган ходим вақт-ни бой бермасдан дарҳол уларга мурожаат қилиб, мавсумий касалликнинг олдини олса, энг аввало, ўзи учун фойдалидир.

Энг муҳими, иссиқ кунда узоқ йўл юришдан аввал роса тўйиб овқатланиш ва ҳар хил ичкиликларни ичиш ярамайди, чанқоқни босиш учун яхшиси совуқ сув олиб юриш тавсия этилади.

**Фахриддин ПАЙЗИЕВ,**  
**ИИБ Марказий**  
**поликлиникаси бошлиғи**  
**ўринбосари, подполковник.**

## Хориж тажрибаси

**Таиланд Миллий полиция департаменти (ТМПД) 1933 йилда ташкил этилиб, дастлаб Ички ишлар вазирлиги таркибига кирар эди. У бутун қироллик ҳудудида жамоат тартиби таъминлашига ва қонунийликка риоя этилишига жавоб берган. ТМПД марказлашган ташкилот бўлиб, уни куч-қудратига кўра фақат мамлакат армиясига қиёслаш мумкин эди.**

Миллий полиция департаменти ходимлари ўша кезларда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиларни қўлга олишдан ташқари, қолган-қутган исёнчиларнинг қаршиликларини бостириш билан ҳам шуғулланган. Таиланд ҳудудида ажнабий қўшинлар бостириб кирган тақдирда, аксар полиция ходимлари Мудофаа вазирлиги тасарруфига ўтарди. Улар ҳарбийлар билан биргаликда Ватанни ҳимоя қилишарди. Фақат уруш ҳаракатлари чоғида алоҳида бўлинмалар сифатида фаолият кўрсатишарди.

Дастлаб, аниқроғи 1930 – 1940 йилларда Таиландда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини ташкил этиш-



да Япониядан нусха олинди. Аммо кейинроқ замон талабига кўра ТМПД тузилишида жиддий ўзгаришлар юз берди. 1951 – 1970 йиллар ораллигида полиция фаолиятига америкалик

## ТАИЛАНД ҚИРОЛЛИК ПОЛИЦИЯСИ: ТАРИХИ, ТУЗИЛИШИ ВА ИШ УСУЛЛАРИ



мутахассислар кучли таъсир кўрсатди. Ана шу давр ичида Таиланд полициясининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, хизмат самарадорлиги ниҳоят даражада ошди.

ТМПДнинг барча бўлинмалари Бангкокдаги штаб-квартира томонидан бошқарилади. Ушбу марказ, шунингдек, бутун мамлакат ҳудудидаги полиция бўлинмаларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш билан ҳам шуғулланарди. ТМПД провинцияларнинг полицияларига, чегара-патруль полициясига (ЧПП) ва Бангкок полициясига бўлинади. Бундан ташқари, унинг таркибида бевосита Марказий тергов бюроси (МТБ)га бўйсунувчи бир қанча махсус бўлинмалар ҳам фаолият кўрсатади.

1998 йилда Таиланд Миллий полиция департаменти Ички ишлар вазирлиги тасарруфидан чиқарилиб,

Таиланд Қироллик полицияси (ТҚП) деб атала бошланди. Энди ТҚПга бевосита мамлакат Бош вазири умумий раҳбарлик қиладиган бўлди. Полиция бошлиғи лавозимининг номланиши ҳам ўзгарди. Таиланд Миллий полиция департаменти бош директори Таиланд Қироллик полицияси бош комиссари деб атала бошланди.

Юқорида санаб ўтилган тузилмалардан ташқари мамлакат полицияси таркибида яна қуйидаги соҳавий хизматлар мавжуд:

- денгиз полицияси;
- иммиграция хизмати (уни келгусида полициядан ажратиб, мустақил тузилма сифатида шакллантириш режалаштирилган);
- гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш бўлими;
- логистика ва таъминот бўлими (ушбу бўлим ичида Таиланд полициясига қарашли вертолётлар ва энгил авиацияга хизмат кўрсатувчи бўлинма ҳам бор);
- қирол саройининг хавфсизлигини таъминловчи хизмат (қироллик тахтига ворис ҳисобланадиган шахзодани қўриқловчи отряд ҳам ушбу хизмат таркибига қиради).



Чегара-патруль полицияси ҳарбийлаштирилган тузилма ҳисобланади. Унинг сафларида 40 минг нафарга яқин ходим хизмат қилади. Ушбу полиция тўртта ҳудудий бошқармага бўлинади. ЧППга умумий шахсий таркибдан ташқари ўқув-машқ бўлинмаси, моддий таъминот бошқармаси, тиббиёт бўлинмаси, қишлоқлик кўнгилли посбон ёшлар билан ишлаш маркази, оммавий тартибсизликларга қарши курашиш маркази, авиация бўлинмаси, шунингдек сувда кутқарув ишлари билан шуғулланадиган авиация отряди ҳамда ўқув маркази қиради.

Марказий тергов бюроси (МТБ) ягона мувофиқлаштирувчи марказ ҳисобланади. У бутун мамлакат ҳудуди миқёсида фаолият кўрсатиш ваколатига эга. МТБнинг асосий вазифалари минтақалардаги ва пойтахтдаги полициячиларга жиноятчиликнинг олдини олиш, юз берган жиноятларни фож этишда кўмаклашиш, шунингдек миллий хавфсизликка таҳдидларни бартараф этишдан иборат.

МТБнинг махсус бўлинмалари темир йўл, автомобиль йўллари, денгиз ва ўрмон полицияларини ўз ичига олади. Барча бўлинмалар ходимлари пухта тайёргарликка эга, энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича илғор усулларни эгаллашган.

(Давоми бор).

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

## Турмуш чорраҳаларида

— Одамлар, ёрдам беринглар!..

**Бу дод-войни эшитган кўни-кўшнилари Мусурмонни кига югуриб келишди. Ҳовлига киришди-ю, кўзлари ўрик шоҳида у ёқдан, бу ёққа тебраниб турган сиртмоққа ва ерда тупроққа беланиб ётган Дилдорага тушиб, ҳайратдан ёқа ушлашди.**

— Нима бўлди ўзи? Ўз жонига қасд қилибдими?

**— Билмайман-билмайман! Нега бундай қилдинг, Дилдора? Болаларингни қандай кўзинг қийди? — Мусурмон бошини чангаллаб ўкириб йиғларди...**

Мусурмон билан Дилдора бир-бирини севиб турмуш қуришди. Орадан бир йил ўтгач, оилада қиз фарзанд туғилди. Ўша йили Мусурмоннинг укасини ҳам уйлантиришди. Мусурмоннинг ота-онаси бир ховлида сиқилишиб қолмасин деб уларга алоҳида уй-жой қилиб беришди.

Орадан тўрт йил ўтди. Дилдора кетма-кет яна икки қиз туғди. Бу сафар Мусурмоннинг жаҳли чиқди. Туғуруқхонага ичиб бориб, жанжал кўтарди. Хотини ва қизини олиб келиш учун туғуруқхонага ҳам бормади. Бунинг устига кўп жанжал қиладиган, ичадиган одат чиқарди. Оилавий аҳвол эса кундан-кунга ёмонлашиб бораверди. Мусурмон ишламас, танг аҳволдан Дилдоранинг боши қотганди. Шундай кунларнинг бирида ён қўшниси Норгул хола келиб қолди. Унга ачиниб деди:

— Болам, ҳали ёшсиз, чақонгинасиз. Уйда «Олма пиш, оғзимга туш» деб ўтиргандан кўра, бирор иш қилинг: тикиш-бичишми, савдо-сотиқми? Ана, кўча бошидаги Норбуви келини қаранг. Савдо-сотиқ қилиб кам бўлмаяпти. Оиласи ҳам тўқ. Бир пайтлар сизлардан ҳам хароб яшарди.

— Тўғри айтасиз, Норгул хола. Эрим ишламаяпти. Ота-онамникидан озик-овқат ташиб кун кечираяпмиз. Ишлай дейман, лекин...

— Ҳечам иккиланманг. Савдо билан шуғулланинг, кўлингиз бир-икки сўм пул кўради, қозонингиз қайнайди.

— Бундай қилишимга эрим рухсат берармикан?

— Қизиқ гапларни гапирасиз-а, келин. Ўзи пул топиб рўзгорни обод қилиб қўймаганидан кейин рухсат беради-да. Рухсат бермасан, мени чақиринг. Ўзим эрингизга тушунтириб қўяман.

— Бўлмаса эрим билан бир маслаҳатлашиб кўрай. Лекин эримни кўндирдим ҳам дейлик, савдо учун пулни қаердан оламан?

— Буни ўйламанг. Анави Шоҳида дўкончи бор-ку, ўша ким пул сўраса «процент»га бераяпти, барака топкур. Ўзим олиб бераман. Сиз ҳаракатингизни қилсангиз бўлгани, — дея Норгул хола уйига чиқиб кетди.

Кечга яқин уйга эри келгач, Дилдора гапни узоқдан бошлади:

— Норбуви келини танийсиз-а?

— Ҳа, танийман, унга нима бўпти?

— Ўша савдо-сотиқ билан шуғулланаркан. Шунинг орқасидан уйига барака кирган, топиш-тутиши ҳам яхши. Мен ҳам шундай қилсаммикан дегандим.

— Бекорларни айтибсан. Мен Норбувининг эрига ўхшаган сўтак эмасман. Савдога кетдим деб нима ишлар билан шуғулланиб юрганни Худо билади.

— Унда сиз эркак бўлиб рўзгорни эплаб қўйинг. Қачонгача отамникидан ташмалайман?

— Ўчир овозингни! Ҳали кўнглингиз бошқа шаҳарларга боришни тусаб қолдимми?

— На ейишимизнинг, на кийишимизнинг тайини бор. Ҳадемай қизимиз мактабга чиқади.



Мактаб формаси, китоб-дафтарлар керак. Олиб бера оласизми?

— Ҳов, сенга овозингни ўчир дедим, — Мусурмон шундай деди-да, кейин хотинига қаради. — Хўп, мен рухсат бердим ҳам дейлик, эси паст хотин, савдога пулни қаердан оласан? Бирорта бойвачча сенга пул бераман деб кўзи тўрт бўлиб турибдими?

— Пулни Шоҳида дўкончидан оламан.

— Эй, бор-ей, билганингни қил! — Мусурмон охири қўл силтаб. Кейин қатъий оҳангда деди. — Аммо ортингдан бирор ёмон гап эшитгудек бўлсам, нақ пичоқ билан ёриб ташлайман. Шу гапимни эсингдан чиқарма!

Эртаси куни эрталаб Дилдора Норгул хола билан бирга Шоҳида дўкончикига борди. Уларнинг мақсадини эшитиб, Шоҳида деди:

— Қийналиб юргангизни кўриб-сезиб юрибман. Майли, қарз бераман, фақат айтилган пайтда қайтарсангиз бўлди.

Пулни олиб, улар тезда Норбувиникига боришди. Норгул хола гапнинг индаллосини айтди:

— Норбуви қизим, Дилдорани ҳам ўзингизга шерик қилсангиз. Бу ҳам ўзини ўнглаб олсин.

— Хўп, олиб бораман. Айтганча, эрингиз бизникига келиб жанжал кўтармайдими?

— Бу ёғидан кўнглингиз хотиржам бўлсин, опа.

— Унда индин йўлга чиқамиз.

Шундай қилиб Дилдора ҳам савдо-сотиқни бошлади. Бир-икки сўм топиб, рўзгорини яхшилади. Олган қарзидан ҳам қутулди. Қизларига энди Мусурмоннинг ўзи қараб ўтирадиган бўлди. Бир куни у қизларини ухлатиб, улфатларининг ёнига борди. Биттаси «манавиндан бир чекиб кўр» дея унга ичига наша жойлаштирилган сигаретни узатди.

Мусурмон уйига сархуш бўлиб қайтди. Орадан икки кун ўтгач, ўша «сигарет»нинг хумори тута бошлади. Ахийри, чидамасдан ўртоғининг ёнига борди.

— Илтимос, ўша кунгидан бир дона бер. Зўр нарса экан.

— Пулларим йўқолди, индамим. Энди навбат тилла буюмларимга келибди-да! Тўғриси айтинг, қани менинг узугим?

— Мен қаёқдан билай? Ўзинг бирор жойга беркитиб, тополмаётгандирсан, — дея ўшқирди Мусурмон.

Дилдора эри билан баҳслашиш бефойда эканини билиб бошқа гапирмади. Аммо орадан бир ҳафта ўтгач, тилла зираги ҳам йўқолди.

Бир куни савдодан ҳориб-чарчаб қайтган Дилдора уйининг эшиклари ланг очиклигини кўриб ҳайрон қолди. Чунки қизлари онасиникида эди, эри ҳам уйда бўлмаслигини айтгудди. Шунинг учун оёқ учида юриб секин хоналарга мўралади. Эри ётоқхонадаги сандиқни очиб, титкилаётганига кўзи тушди. Бироз уни кузатди. Бундан беҳабар Мусурмон сандиқдаги пулларни олиб, чўнтагига солди. Дилдора бош-

— Ўзим ушлаб олдим-ку, ойи! Ўғлингизни ўзидан ҳам сўраб кўринг!

Шундан кейингина у ишонишдан бошқа чора тополмади.

— Вой ноинсоф. Ҳали шундай ишга қўл урдими? Келсин, кўрсатиб қўяман унга ўғрилиқ қандай бўлишини. Сиз энди тилла тақинчоқларни ҳам, пулларингизни ҳам уйда сақламанг. Яхши-си, онангизга бериб қўйинг.

Шундан сўнггина Дилдоранинг кўнгли бироз таскин топиб уйига қайтди.

Мусурмон кечқурун уйига маст ҳолда келди, хотини билан жанжаллашди. Чунки у ота-онасидан роса дакки эшитганди. Шунинг учун пайт пойлаб, бор аламини Дилдорадан олмоқчи бўлди ва режа тузди.

... Дилдора одатдагидек оғир сумкалар билан тўлиб-тошиб келди. Сумкаларни бир четга қўйиб, чой ичди. Кейин:

— Бироз мизғиб олай, жудаям чарчадим, — дея ётоқхонага кириб кетди.

Мусурмоннинг хаёлида Дилдорадан қасд оладиган пайт келганди. У қабиҳ режасини амалга оширишга киришди. Хотини ухлаб қолганига амин бўлгач, билдирмасдан уни каравотга боғлади. Кейин бир челақ қайноқ сувни олиб келди-да, хотинининг устига қўйиб юборди. Дилдора қаттиқ чинқирди-да, хушидан кетди. Мусурмон бу билан кифояланмади. Иккинчи челақдаги сувни ҳам унинг устига қўйди. Бироз кутиб турди ва арқонни ечиб, хушсиз хотинини ташқаридаги сўрининг устига олиб борди. Уст-бошини алмаштирди. Хўл кийимларни олдиндан қазиб қўйган ўрага кўмди. Кейин Дилдорани кўтариб, ўрик дарахтига боғланган арқон сиртмоғига унинг бўйинини тикди ва ёлғондакам бақира бошлади:

— Одамлар, ёрдам беринглар!..

Бирпасда тумонот одам йиғилди. Кимдир «Тез ёрдам»га, кимдир ички ишлар идорасига кўнғироқ қилди. Яна бошқаси Дилдоранинг онасига бу шумхабарни етказди. Онаизор оёқ яланг, бошидан рўмоли сирғалиб тушган ҳолда югурганча етиб келди. Қизини қучоғига олиб фарёд кўтарди:

— Нималар қилиб қўйдинг, болам! Сен ўлгунча, мен ўлсам бўлмасмиди, болам!

Аёллар уни ўрага қизининг жасадидан ажратиб олишди. Бир қўшни рўмолини ечиб Дилдоранинг юзига ёпмоқчи бўлиб энгашди-ю, жойида қотиб қолди:

— Ҳой, одамлар. Менимча, Дилдора ўзини осмаган, куйиб ўлганга ўхшайди.

— Ким куйибди, ким? Нима қилган бўлсаям ўзи қилган, — дея жазавага тушди Мусурмон.

Шу пайт «Тез ёрдам» машинаси ва ички ишлар идоралари ходимлари етиб келди. Дилдоранинг жасадини экспертизага олиб кетишди. Ҳақиқатан ҳам, унинг куйиш оқибатида дунёдан кўз юмгани тасдиқланди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган Мусурмон ўз хотинининг қотили бўлиб чикди.

**Хонбиби МАҲАМОВА,**  
журналист.

Одам савдоси — оғир жиноят

## ОРИЯТНИ УНУТМАСЛИК КЕРАК

Ривоят қилишларича, бир давлатнинг подшоҳи кўшни мамлакатни босиб олиш учун ўша юрт халқининг нималарга қизиқиши-ю, қандай ишлар билан бандлигини ўрганиш мақсадида ўз жосусларини юборади. Кейинроқ эса у жойнинг фуқаролари хотин-қизларини кўз қорачигидек асрашини эшитгач, бу халқ устидан ҳеч ким галаба қила олмаслигини, аёлини ҳимоя қилганлар ватанпарвар бўлишини англаб, ниятидан қайтган экан.

Енгил ҳаёт кечириб, бировларнинг ҳисобига, айниқса хотин-қизларни алдаб, чув тушириб мўмай пул топишни ўзига касб қилиб олганларнинг орамизда учраб тургани жуда катта исноддир.

Қора курсида ўтирган Уйчи туманилик икки йигитнинг сохт-сумбатига эътибор берган киши улар, ҳалол меҳнат қилса, ҳар қандай юмушни эгласларини ҳис этади. Аммо улар ўзаро жиноий тил бириктириб, ўз маҳалладошлари бўлган аёлларни мўмай даромадли иш топиб берамиз, дея алдаб одам савдоси билан шуғулланишади.

Туман ва вилоят худудидан ташқарига чиқмаган соддадил Алёна, Хуморой, Мехригиё, Рушана (исмлари ўзгартирилган) ва яна тўрт нафар қизлар вақтинчалик бекор бўлишгани туфайли кейинги тақдири ҳамда ишининг оқибатини ўйламасдан, одамфурушларнинг ёлғон ваъдаларига ишониб, уларнинг ортидан эргашиб, кўшни давлатга етиб келишади.

Ваъда қилинган шинам уй ўрнига кўп қаватли ташландиқ бинонинг ертўласига жойлашади. Ҳамтовоқлар қизларнинг паспортини тортиб олиб, бир неча кун ўтгач, айтилган иш билан таъминлаш ўрнига уларни фоҳишахоналарга мажбурлаб олиб боришади. Орадан ярим йил вақт ўтса-да, қизларидан ҳеч қандай хат-хабар бўлмагач, уларнинг ота-оналари ҳалиги йигитларга учраб, ўз фарзандларининг қаерда, нима иш қилиб юрганини сўрашади.

Ҳаммасини ресторан ва кафеларга ишга жойлаштирганмиз. Ваъдамизни бажардик, қолгани бизни қизиқтирмайди, — дейди улар.

Агар бу масалага ойдинлик киритишга Наманган вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлинма бошлиғи, майор У. Жабборов ҳамда катта тезкор вакил, майор М. Собиржонов киришмаганида эди, одам савдоси курбонларига айланган саккиз нафар қиз яна қанча вақт ўзга юртда жабр чекиб юришарди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Халқимизда «Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши» деган мақол бежиз айтилмаган. Икки лўттивознинг ҳийла тузоғига илинган қизларнинг ота-оналари нахотки ушбу нақлнинг мағзини ҳалигача қақмаган бўлишса!

Нафсиламрини айтганда, бугунги дунёнинг ечим топмаётган муаммоларидан бири одам савдоси масаласидир. Мамлакатимизда ушбу жиноятнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш борасида жуда катта ишлар қилинаяпти. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Президентимизнинг

«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори замирида аввало, халқимиз ва фарзандларимизнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни ўзгаларга қарам бўлиб қолишдан асраш мақсади муҳим. Бу жиҳатдан барчамиз ҳушёр, огоҳ бўлишимиз лозим. Ўзимиз ва фарзандларимизнинг тақдиримиз, келажагимиз ҳақида давлатимиз ғамхўрлик қилаётган бир пайтда айримларнинг бефарқлигини кўриб хайрон қоласан киши. Юқоридаги қизларнинг тақдири бунга

бир жиноят ва ҳуқуқбузарликни очиш учун ходимдан катта маҳорат, бой тажриба ҳамда ўз касбини ардоқлашу ватанпарварлик талаб этилади.

Вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ ходимлари бу масъулиятни чуқур англаб етгани учун ҳам ҳар қандай қонунбузарликлар «иссиқ изида» фош қилиниб, ҳуқуқий баҳосини олмақда. Ходимларнинг ўз устида мунтазам ишлашлари, илғор тажрибаларни кенг қўллаётгани айниқса мақсадга эришишда имконият яратаяпти.

Чортоқ туманида истиқомат қилувчи бир гуруҳ хотин-қизлар ўзаро жиноий тил бириктириб, пинҳона иш тутиб, ўз юртдошларини одам савдосига жалб этганда «Қилмишимизни ҳеч ким билмайди», деб ўйлашган бўлса керак. З. Абборова, Г. Мақсидова, Ф. Мажинова, Б. Комилова, Г. Сотиболдиева, Н. Турғунова (исм-шарифлари ўзгартирилган) кўлида гулдай хунари бўла туриб, ҳалол меҳнат қилишни ўзларига эп кўрмаганлар тоифасидан бўлгани учун ҳам жиноятга қўл уришади.

Ёш қиз-жувонларни ўз тузоғига илинтириш учун ҳеч нарсадан қайтишмайди: «Чет элда анағалик қилишга иш бор, ойига 1000 АҚШ долларидан маош тўланади», дея Наманган шаҳри, Уйчи, Чортоқ ва бошқа туманлардан бир неча нафар қизларни алдаб чет давлатларга олиб бориб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлашади. Уларнинг ҳар бирини қидириб топиш, жиноят устида қўлга олиш соҳа ходимларидан катта маҳорат, тажриба талаб этгани бор ҳақиқат.

Ҳар бир ноқонуний фаолият эрта-ми-кеч, барибир фош бўлади ва албатта, у амалдаги қонунларимиз билан ҳуқуқий баҳоланади. Буни бойлик орттириш, бошқаларнинг ҳисобидан яшашни мақсад қилганлар билиб қўйишса, фойдадан холи бўлмасди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.  
Наманган вилояти.




ёркин мисол. Агар уларнинг ота-онаси, маҳалла фаоллари лоқайдлик қилишмаганида, қизларнинг номуси топталиб, турли хасталикларга чалинмас, катта пул топишни орзу-ҳавас қилиб, номард инсонларнинг ёлғон ваъдаларига учмасди.

Гап одам савдосининг оғир оқибатлари тўғрисида бораркан, бу иллатга қарши курашаётган ходимларга осон тутиб бўлмайди. Зеро, ҳеч кимнинг пешонасига нима иш қилмоқчи бўлаётгани ёзиб қўйилмайди. Ҳар

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган қуйидаги шахслар Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қидирилмоқда.



**Шавкатжон Кўчқорович САТТАРОВ.** 1970 йилда туғилган. Каттақўрғон шаҳар Чинобод маҳалласи М. Улуғбек кўчаси 20-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми «б» банди ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Одилбек Мўминович МЕЛИЕВ.** 1988 йилда туғилган. Каттақўрғон шаҳар Кўхданам маҳалласи Чорвадор кўчаси 2-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми «б» банди ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Фуркат Фарход ўғли ВАЛИЕВ.** 1995 йилда туғилган. Каттақўрғон шаҳар Қориравот маҳалласи Самат Раҳимов кўчаси 8-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми «б» банди, 223-моддаси 2-қисми «б» банди ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Шахзод Фарход ўғли ВАЛИЕВ.** 1994 йилда туғилган. Каттақўрғон шаҳар Қориравот маҳалласи Самат Раҳимов кўчаси 8-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми «б» банди ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Зофир Зокирович ФАФОРОВ.** 1990 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси Навоий кўчаси 85-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми «б» банди ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Назар Нажмиддинович ҲАМИДОВ.** 1986 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Чуянчи қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми «б» банди ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Дилноза Юсуповна МУҲАММАДИЕВА.** 1976 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Токичихўжа қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми «б» банди ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Али Абдувайит ўғли УБАЙДУЛЛАЕВ.** 1992 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Чуянчи қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми «б» банди ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Мавлуда Фаттоевна ШУКУРОВА.** 1961 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар 2-Хўжа-гунжош маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми «г», «е», «и» бандлари, 137-моддаси 2-қисми «б», «в» бандлари, 138-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари, 142-моддаси ва 165-моддаси 2-қисми «в» бандида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Шохрух Муродович КОДИРОВ.** 1983 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар Кундисўфи маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми «г», «е», «и» бандлари, 137-моддаси 2-қисми «б», «в» бандлари, 138-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари, 142-моддаси ва 165-моддаси 2-қисми «в» бандида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Озод Камарович АШУРОВ.** 1987 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар Кундисўфи маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми «г», «е», «и» бандлари, 137-моддаси 2-қисми «б», «в» бандлари, 138-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари, 142-моддаси ва 165-моддаси 2-қисми «в» бандида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганлардан Самарқанд вилояти ИИБга (0-366) 233-31-30, 233-02-64 рақамли телефонлар орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт

**Инсоннинг жисмонан соғлом бўлишида спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис мамлакатимизда спорт турларини омалаштириш, унинг янада кенг қулоқ ёйиши учун ҳукуратимиз томонидан барча шароитлар яратилмоқда. Зеро, соғлом кишигина юрт тинчлиги ва тараққиёти, фаровонлиги ҳамда равнақиға муносиб ҳисса қўша олади.**



Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ҳам ходимларнинг ҳар томонлама соғлом, рухан тетик бўлишларига эришиш мақсадида спорт тадбирлари, турли кўрик-танловлар ва мусобақалар ўтказишга алоҳида аҳамият қаратаётгани бежиз эмас. Маълумки, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни қўлга олиш, жиноятчилар билан тўқнаш келганда ўзини ҳимоя қилиш сингари хизмат фаолиятида шарқ яққаурашлар-

ри, хусусан, қўл жанги муҳим ўрин тутди.

Ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарликларини ошириш мақсадида анъанавий қўл жанги бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги биринчилиги ўтказилиб келинаётгани хизмат самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Тошкент шаҳри мезбонлик қилган бу йилги мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари, шунингдек, ИИБ т-

## АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

зимидаги бошқа жамралар иштирок этди.

Тантанали спорт байрамнинг очилиш маросимида республика ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари, полковник А. Усмонов ва Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, генерал-майор М. Адиллов сўзга чиқиб, бундай мусобақалар ходимлар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда хизмат жараёнида муваффақиятларни қўлга киритишда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб, иштирокчиларга омад тилашди.

Икки кун давом этган баҳсларда саккиз вазн тоифасида иштирок этган спортчилар ҳар томон-



лама пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди. Мусобақа якунида ҳакамлар хайъатининг қарорига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент шаҳар ИИББ терма жамоа-

си вакиллариға насиб этди. Иккинчи ҳамда учинчи ўринларни республика ИИБ Қоровул кўшинлари ҳамда Бухоро вилояти ИИБ терма жамоаси спортчилари банд этишди.

Ғолибларни қутлаш маросимида республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев иштирок этиб, мусобақада фаол қатнашган спортчиларни қутлади ва уларнинг келгуси хизмат фаолиятларига омад тилади. Ғолиблар эсдалик совғалари, кўчма кубок ва дипломлар билан тақдирланди.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ.**  
**Шавкат ҚАҲҲОРОВ**  
олган суратлар.



### ▼ Таэквондо



**Россиянинг Челябинск шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Дунёнинг 141 давлатидан энг кучли таэквондочилар қатнашган мусобақада спортчиларимиз совринли ўринларни эгаллашди.**

Вазни 87 килограмдан оғир бўлган таэквондочилар ўртасида Дмитрий Шокин ямайкалик Жейсон Грантни, италиялик Леонардо Басилени, германиялик Волкер Водзихни, кубалик Робелис

### БИТТА ОЛТИН, ИККИТА КУМУШ

Деспейнни ва Кот-д'Ивуар вакили Фирмин Зокоуни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Жасур Бойқўзиёв эса вазни 87 килограммгача бўлган таэквондо усталари ўртасида финалга қадар барча рақибларидан устун келди. Ҳал қилувчи беллашувда унга бироз омад етишмади ва чемпионатнинг кумуш медали билан тақдирланди. Яна бир спортчимиз Никита Рафалович ҳам ўз вазн тоифасида иккинчи ўрин билан кифояланди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур жаҳон чемпионатида совринли ўринларни эгаллаган спортчилар келгуси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари учун қимматли рейтинг очколарига эга бўлишди.

### ▼ Бокс

**Мамлакатимиз пойтахтида турли йирик халқаро мусобақаларнинг ўтказилиши янги анъанага айланиб бормоқда. Бу юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасидир.**

### ТОШКЕНТ – ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

Тошкент шаҳри жорий йилнинг 7-14 июнь кунлари халқаро миқёсдаги яна бир мусобақа – ўсмирлар ўртасидаги қитъа чемпионати мезбонлик қилади. Бу ҳақда Қозғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилган Осие бокс конфедерацияси Бош ассамблеясида қарор қабул қилинди.

Чемпионатда 1999–2000 йилларда туғилган ёш спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боради. Мусобақада Асадбек Авазов, Роримиша Профсор, (-48 кг), Билолбек Мирзараҳимов (-54 кг), Дилшод Рўзметов (-66 кг), Қосимхон Қосимов (-75 кг) ва Аббосхон Мирзаабдуллаев (-80 кг) каби иқтидорли боксчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Ани пайтда улар бўлажак мусобақага қизгин ҳозирлик кўришяпти.

### ▼ Футбол

### ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

**Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси келаси йилнинг январь ойида Қатарда бўлиб ўтадиган U-23 ёшлар ўртасидаги Осие чемпионати финал босқичида иштирок этади.**

Хабарингиз бор, Бахтиёр Ашурматов бош мураббийлигидаги олимпия терма жамоамиз Бангладешда бўлиб ўтган қитъа чемпионати саралаш ўйинларида ўз гуруҳида 6 очко билан иккинчи ўринни эгаллаган эди. Бу натижа ўша пайтда қитъа чемпионатининг энг сўнгги йўлланмасини қўлга киритиш имкониятини берарди. Аммо ўшанда саралаш босқичининг «В» гуруҳи ўйинлари ўтказилмаган ва бу ўз-ўзидан бизни мазкур гуруҳ баҳслари якунини кутишга мажбур қилган эди.

Яқинда нейтрал мамлакат – Бирлашган Араб Амирликларида «В» гуруҳи ўйинлари низоҳасига етди. Унда иккинчи ўринни эгаллаган Қувейт олимпия терма жамоаси бор-йўғи 4 очко тўплай олди, холос. Натижада Ўзбекистон олимпия терма жамоаси гуруҳларда иккинчи ўринни қўлга киритган терма жамоалар ичида қувейтликлардан яхшироқ кўрсаткичга эришди ва Осие чемпионати финал босқичига йўлланма олди.

Таъкидлаш жоизки, келаси йили Қатарда бўлиб ўтадиган Осие чемпионатида XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари йўналиди.

### ▼ Автопойга

**«Формула-1» мусобақаларининг амалдаги чемпиони, британиялик автопойгачи Льюс Хэмилтон «Mercedes» жамоаси билан янги шартнома имзолади. Натижада у бир йилда энг кўп даромад кўрадиган «Формула-1» пойгачиларидан бирига айланди.**

### УЧ ЙИЛДА 100 МИЛЛИОН ФУНТ

Маълум қилинишича, шартнома уч йил муддатга тузилган ва унга кўра Л. Хэмилтон бу муддат ичида 100 миллион фунт-стерлинг ишлаб топади. Бу борада унга «Ferrari» жамоасининг тўрт қарра чемпиони Себастьян Феттелгина тенглаша олади. Германиялик пойгачининг йиллик даромади тахминан 34 миллион фунт-стерлингни ташкил этади.

Льюс Хэмилтон «Формула-1» мусобақаларининг энг мохир пойгачиларидан бири саналади. У 2008 ва 2014 йилларда бўлиб ўтган чемпионатларда зафар қучган. Ҳозирда жаҳон чемпионати жадвалида 111 очко билан пешқадамлик қилмоқда.

### ▼ Паралимпия

### ЯНА ИККИ ЙЎЛЛАНМА

Корея Республикасининг Сеул шаҳрида ўтказилган жаҳон ўйинлари ва чемпионатида мамлакатимиз паралимпиячилари муваффақиятли иштирок этди. Ҳамюртларимиз бешта олтин, иккита кумуш ва бешта бронза медалларини қўлга киритди.



Мазкур мусобақаларда мамлакатимиз энгил атлетикачилари ҳам муносиб қатнашгани, айниқса, эътиборлидир. Халқаро Паралимпия кўмитасидан Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциациясига маълум қилинишича, энгил атлетикачиларимиз икки йўналиш бўйича белгиланган нормативларни аъло даражада бажариб, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XV ёзги Паралимпия ўйинлари йўлланмалариға эга бўлишди.

Шу тариқа, спортчиларимиз томонидан қўлга киритилган Паралимпия ўйинлари йўлланмалари сони 21 тага етди. Энг кўп – 9 та йўлланмага энгил атлетикачиларимиз сазовор бўлишган. Дзюдо усталари 8 та йўлланмани нақд қилиб қўйишган бўлса, сузувчиларимиз ҳисобида 3 та лицензия бор.

**Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.**



**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

Азиз ва меҳрибон дадажонимиз истеъфодаги майор **Баҳром ДАВРОНОВ**ни табаррук 63 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Падари бузрукворимиз соғ-саломат бўлиб, фарзандлари бахту камолини кўриб юриш насиб этсин. Кўп йиллар дўстлари, яқинлари, фарзандлари, неvara-чевараларининг даврасини тўлдириб юришларини тилаймиз.

Хурмат билан оила аъзолари.

**Бу қизиқ!**

**АЙРИЛИҚДАН КЕЙИНГИ ДИЙДОРЛАШУВ**



Британиялик Нэнси Коуэн кексайиб, ёлғизланиб, ўзгалар кўмагига муҳтож бўлиб қолгач, қариялар уйига кўчиб ўтишга қарор қилди. Бир пайтлар кўчадан топиб олган севимли мушугини эса юм-юм йиғлаганча қўшниларига қолдирди.

Орадан бир неча ҳафта ўтгач, кампиршоҳ ўзи Кео деб ном қўйган мушугини қариялар уйи олдида турганини кўриб, ҳангу манг бўлиб қолди. Жониворнинг садоқатини, оқибатини қарангки, бир пайтлар очлик чангалидан кутқарган, меҳр кўрсатган бекасини шу ергача ҳам топиб келибди. Буни кўрган муассаса раҳбарлари Нэнси Коуэнга мушугини олиб қолишига рухсат беришди.

**Кўнгилянчилар полициячилар**

Стокгольм шаҳрида кечаси уйда ёлғиз қолган 11 ёшли болакай ғалати овозларни эшитиб кўрқиб кетди. У уйга ўғри тушган деб ўйлаб, полиция идорасига кўнғироқ қилди. Тез орада етиб келган ҳуқуқ-тартибот ходимлари хонадоннинг ҳамма ёғини қараб чиқиб, ҳеч қанақа ўғрини топа олишмади. Шун-

га қарамай болакай тинчланавермади. Сабабини сўрашганида, йиғламсираб азбаройи кўрққанидан математика бўйича уйга вазифани бажара олганини айтди. Полициячилар бир оз нима қилишни билмай ўйланиб туришди-да, сўнг унга дарсларини тайёрлаб беришди. Интернет тармоғига бу ҳақда хабар жойлаштирилганида, аксар шведлар кулишса ҳам, лекин осойишталик посбонларини кўнгилянчилиги учун мақтаб қўйишди.

**ЭНГ ПАКАНА ҚИЗ**

Дунёдаги энг пакана қиз Хиндистоннинг Нагпур шаҳрида яшайди. Жиоти Амге исмли бу қизнинг бўйи атиги 62,8 см. У номи Гиннеснинг рекордлар китобига киритилганини эшитиб хурсанд бўлиб кетди. Ахондроплазия хасталигига чалинганини, яъни суякларини ўсишдан тўхтаганини ҳисобга олман-



да, унинг ҳамма ишлари жойида. Масалан, мактабни муваффақиятли тугатиб, университетга ўқишга кирди. Паканалигидан эса ҳеч ҳам кўнгли ўқсмайди. Айнан бўйи пастлиги туфайли Гиннеснинг рекордлар китобига киргач, ҳатто бундан фахрланадиган бўлди.

Хориж ОАВ материаллари асосида тайёрланди.

**Топқирлигингизни синаб кўринг**

**МАНТИҚИЙ БОШҚОТИРМАЛАР**

1. Агар бешта мушук бешта сичқонни беш дақиқада тутса, битта мушук битта сичқонни тутиш учун қанча вақт керак бўлади?
2. Шакарни чойга қайси қўл билан аралаштириш қулайроқ?
3. Киши тушида арслонга дуч келиб қолса, нима қилиши керак?
4. Итлар нега ҳуришади?
5. Етти оға-инининг биттадан синглиси бор. Жами сингиллар неча?
6. Одам тўққиз қаватли уйдан баландроқ сакраши мумкинми?
7. Қанақа лентани сочга тақиб бўлмайди?
8. Овқат пиширишда қозонга биринчи бўлиб нима солинади?
9. Нима аслида сизга тегишли-ю, лекин уни кўпинча бошқалар ишлатишади?
10. Денгиз тубидан қандай тошни топиб бўлмайди?
11. Оти бору ўзи йўқ - нима у?
12. 666 рақамини ҳеч бир арифметик амал бажармай қандай қилиб бир ярим баробарга кўпайтириш мумкин?

**Жавоблар:** 1. Беш дақиқа. 2. Чой қопиштиришда аралаштириш керак. 3. Уйғирча. 4. Чунки икки тўққиз қаватли уйдан сакраш имконияти йўқ. 5. Битта. 6. Мушукни, чунки мушукларнинг биттадан кўпчилиги биттадан кўпчилиги йўқ. 7. 7. 8. Назар соғинида. 9. Икки. 10. Кўрқиб. 11. 11. 12. Тескарилик.

**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!**

<p>Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши бошқарма ЖҚ ва ТҚБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Хўжамурод Ахмуратовга волидаи муҳтарамаси <b>ШАКАР онанинг</b> вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.</p>	<p>Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши бошқарма ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати бошлиғи ўринбосари, майор Рамз Акбутаевга падари бузруквори <b>УМИРЗОҚ отанинг</b> вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.</p>
<p>Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ШТБМИ катта тезкор вакили, майор Жўрабек Вахабовга падари бузруквори <b>АБДУРАШИД отанинг</b> вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши бошқарма ШТБХ тарбиявий ишлар бўлинмаси катта инспектори, катта лейтенант Сардор Жўрақуловга падари бузруквори <b>КЕЛДИЁР отанинг</b> вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.</p>

**МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ**  
Келгуси ҳафта учун

**Кўй**  
Ушбу ҳафтада сизга омад кулиб боқади. Фақат ўзингиз бунга ҳалал бермасангиз бас. Агар ҳали оила қурмаган бўлсангиз, ҳафта бошларида бўлажак бахт юлдузингизни учратиб қолишингиз мумкин. Агар оилали бўлсангиз, умр йўлдошингиз сизга кутилмаган ажойиб совға тўхфа этади. Ҳафта охирида хонадонингизда қувончли воқеа юз беради. Бу оилавий муносабатларингиз янада яхшиланшига сабаб бўлади.

**Сигир**  
Ҳафта бошларида фарзандларингиз сизни қувонтиришади. Қариндошларингиз хонадонингизга меҳмон бўлиб келишса керак. Ҳафта ўрталарида ўзингизнинг нуқтаи назарингиз тўғрилигини исботлашингизга тўғри келади. Охир-оқибат ҳақиқат голиб чиқади. Ишонангизда ҳасадгўй кимсалардан эҳтиёт бўлинг. Ўзингиз ҳақ бўлсангиз ҳам, бошлиқларингиз билан ҳозирча баҳслашмай туринг.

**ЭГИЗАКЛАР**  
Ҳатто ўз кучингизга ишонсангиз ҳам, бошқаларнинг ёрдамини рад этманг. Ҳафта бошларида ҳамкорликда ҳаракат қилсангиз, кўзлаган мақсадингизга тезроқ етасиз. Ҳафта ўрталарида ҳамма нарса тасодифга боғлиқ деган фикрга келасиз, арзимас муваффақиятсизликка учрасангиз ҳам ҳафсалангиз пир бўлади. Хайриятки, бу ҳолат тезда ўтиб кетади - яна ҳаммаси ўзингизга боғлиқлигини тушуниб етасиз.

**ҚИСКИЧБАҚА**  
Майда-чуйда кўнгилянчилар таъбингизни хира қиладди. Фамгин хаёлларга берилманг. Ялқовлик қилманг. Яхшиси, ўзингизни қўлга олиб, иш билан машғул бўлинг. Айниқса, ҳафтанинг биринчи ярмида қаттиқ меҳнат қилинг. Шунда ҳаётингиз изга тушиб, муаммолар ҳал бўлади. Дам олиш кунлари ҳордиқ чиқаришга улгурасиз. Ушанда меҳнатингиз меваларидан ҳам баҳраманд бўласиз.

**АРСЛОН**  
Ушбу ҳафтада ички сезгингиз, ҳиссиётларингиз кучайиб кетади. Шу сабабдан тез жаҳлингиз чиқади. Атрофингиздагилар бундай ҳолатингизни ҳаммаша ҳам тўғри тушунишавермайди. Зарур вазиятларда оғир-босиқ бўлишни ҳам унутманг. Масалаларни ҳал этишда ички сезгингизга таянинг. Ҳафтанинг охири фаоллигингиз ошганлиги боис янги иш бошлаш учун қулай.

**ПАРИЗОД**  
Янги ҳафтада оилавий муносабатларингиз ривож топди. Яқин қариндошларингиз билан бир даврада тўпланиб дийдорлашасизлар. Ишоннада эса ҳар доимгидан кўпроқ меҳнат қилишингизга тўғри келади. Ҳамкасбларингиз орасида мавқеингизни сақлаб қолишингиз учун кўплаб топшириқларни сидқидилдан бажаришингизга тўғри келади. Ҳафта ўрталарида муҳим қарор қабул қиласиз.

**ТАРОЗИ**  
Душанба куни жиддий ишларни бошламанг, муҳим қарорлар қабул қилманг. Чунки вазият назоратингиз остидан чиқиб кетади. Бундай пайтлари хатти-ҳаракатингиз аҳволни баттар чигаллаштириши мумкин. Муаммолар ўз-ўзидан ечим топишини кутинг. Ҳафта охирида ҳаммаси ўз изига тушади. Бундан кайфиятингиз кўтарилади. Дам олиш кунлари мириқиб ҳордиқ чиқаринг.

**ЧАЁН**  
Кундалик ташвишлар жонингизга тегади. Шунинг учун ҳафтанинг биринчи ярмини ёлғиз ўтказганингиз маъқул. Мулоқотларни имкон қадар камайтинг. Ҳаётингизда янги гоғлар туғилади. Уларни ҳозир амалга оширишингиз иложи йўқлигидан асабийлашасиз. Бир неча кун кайфиятсиз юрасиз. Фақат ҳафтанинг охирида яна ўзингизни қўлга олиб, иш фаолиятингизни жонлантриб юборасиз.

**ЁЙ**  
Ҳафта бошида икки йўлдан бирини танлашингизга тўғри келади. Ана шундай мураккаб бир вазиятда яқинларингиз билан низолашиб қоласиз. Ҳафта ўрталарида барча муаммоларни бийрўла ҳал этишга ҳаракат қиласиз. Бу осон эмас, албатта. Аммо сиз уйдасидан чиқасиз. Ҳафтанинг охирида шахсий ҳаётингиз учун қулай. Кўплаб масалаларни ҳал этганингиз учун ўзингиздан мамнун бўласиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ**  
Турмуш ўртоғингиз билан ўрталарингизда анчадан буён баҳсли масалалар тўпланиб келаётган эди. Уларнинг ҳаммаси ҳафта бошларида юзага чиқади. Ҳатто икковларингиз арашлашиб қолишларингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳафта ўрталарида муҳим масала бўйича узил-кесил қарор қабул қилишингиз керак. Янги танишлар орттирмай турганингиз маъқул.

**ҚОВҒА**  
Келаётган ҳафта бошида вазиятни обдон ўрганиб, шошилмасдан қарор қабул қилинг. Шундан кейингина ҳаракат қилишни бошланг. Тўғри тўхтамагач қилсангиз, молиявий жиҳатдан ҳам фойда кўрасиз, шахсий муносабатларингиз ҳам яхшиланади. Янги одамлар билан танишсангиз керак. Эски алоқаларингиз ҳам тикланиши мумкин. Кекса қариндошларингизга ғамхўрлик кўрсатинг.

**БАЛИҚ**  
Ушбу ҳафта бошидан оқингизга аниқ мақсад қўйиб, у сари дадил интиласиз. Шу кунларда ҳар қандай масалани ҳал эта оласиз. Бу биринчи галда иш фаолиятингизда асқотади. Шунинг билан бирга, оилавий ҳаётингизда ҳам қўл келиб қолиши мумкин. Ҳафта ўрталарида ички сезгингиз кучаяди. Ушбу хусусиятингиз сизга мураккаб вазиятларда тўғри йўл топишингизда ёрдам беради.